215.	Локомотивлар, вагонлар ва темир йўллар ва йўл машиналарининг бошқа ҳаракатланадиган таркибини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар.	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
216.	Денгиз, кўл ва дарё кемаларини, кема ускуналари, механизмлари ва приборларини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. Махсус кемалар ва кемаларни таъмирлайдиган корхоналар.	
217.	Қурилиш ва йўл машиналарини таъмирлайдиган корхоналар.	
218.	Фуқаро самолётлари, вертолётлари, уларнинг асбоб-ускуналари ва авиация двигателларини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар.	
219.	Целлюлоза, ярим целлюлоза, ёғоч массаси, қоғоз, картон, шунга ўхшаш целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
220.	Қоғоз ва картондан ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳар хил буюмлар (калька, пергамент, фибрин, картондан пойабзалнинг ички деталлари ва ҳоказолар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. Барча турдаги қоғоз ва картон идишлар, гулқоғозлар, дафтарлар, қоғоз товарлари (альбомлар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
221.	Юмшоқ том устига ёпиладиган (рубероид, пергамин, қора қоғоз ва бошқалар) ва гидроизоляция (пороизол, изол ва бошқалар) материалларнинг барча турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
222.	Чарм пойабзал, тўқимачилик, комбинациялаштирилган, спорт, миллий, ортопедик ва чарм таглик ва чармнинг ўрнини босадиган таглик, бошқа пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналар (моделлар уйлари ҳам шу жумлага киради).	
223.	Гўшт, зотдор парранда учун паррандаларни кўпайтириш. Паррандачилик (гўшт-тухум) бирлашмалари.	
224.	Автомобиль хўжалигидан фойдаланадиган ва унга хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар: бирлашмалар, ихтисослаштирилган бошқармалар, автомобиль хўжаликлари, автомобиль корхоналари, автобус ва таксомотор парклари, автотранспорт идоралари ва бошқалар.	
225.	Қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа ишларни бажарадиган умумқурилиш ва ихтисослаштирилган ташкилотлар.	
226.	Ер юзаси ва жаҳон океани тубининг биологик таркибини сураатга оладиган ва ер қаърини чуқур ўрганадиган корхоналар ва ташкилотлар.	
227.	Нефть ва газ конларини геофизик усуллар билан қидирадиган корхоналар ва ташкилотлар.	
228.	Чуқур бургулашни қўллаган ҳолда нефть ва газ конларини излайдиган ва разведка қиладиган, шунингдек қудуқларда саноат-геофизика тадқиқотлари олиб борадиган, қудуқларни маҳсулдорлигига кўра синовдан ўтказадиган ва бургулаш билан боғлиқ бошқа ишларни бажарадиган корхоналар ва ташкилотлар.	
229.	Қаттиқ фойдали бойликлар, чучук сув, минерал ва термал ер ости сувлари конларини қидирадиган ва разведка қиладиган корхоналар ва ташкилотлар.	
230.	Махсус ишларни амалга оширадиган ва алоҳида геологик вазифаларни, мавзули ва тажриба-методология ишларини, минерал хом ашёдан технологик тадқиқотларни бажарадиган корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар.	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
11 класс		
231.	Қаттиқ қотишмалар, қийин эрийдиган, куқун материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	3,429
232.	Фосфат ўғитлар, фосфор ва фосфат тузлари, олтингугурт ва фосфор кислотаси, хром бирикмалари ва бошқа неорганик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
233.	Тола, кимёвий иплар ва кимёвий иплардан корд мато ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
234.	Бошқа кимёвий (активлаштирилган кўмир, карбюраторлар, кимёвий шимадиган моддалар, кремний органик бирикмалар ва бошқалар) маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар.	
235.	Автомобилларнинг барча турларини (шу жумладан енгил ва ихтисослаштирилган автомобиллар), автобуслар, автошатаклар, автомобиль ва трактор тиркамалари, трейлерлар, троллейбуслар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Автомобилларнинг кам литражли ва қайиқларнинг двигателлари, агрегатлар, карбюраторлар.	
236.	Гараж асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар (ювиш, назорат-синаш, оптик ва бошқа стендлар) ҳайдовчи анжомлар (қўл домкратлари ва бошқалар) ва ҳоказолар.	
237.	Электрон техника буюмлари ишлаб чиқарадиган (интеграл микросхемалар, вакуум ва ярим ўтказгич приборлари, синтетик пьезокварц ва ундан тайёрланган буюмлар, радио деталлари ва радио компонентлари ва бошқалар).	
238.	Пойабзал ва галантерея саноати учун фурнитура ва метизлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар.	
239.	Мева-сабзавот саноати. Мева-сабзавот консервалари, шу жумладан гўшт-ўсимлик ва дуккакли ўсимликлар консервалари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
240.	Гўшт, колбаса, дудланган балиқ ва бошқа гўшт маҳсулотлари, гўшт консервалари ишлаб чиқарадиган корхоналар. Парранда гўштини қайта ишлайдиган корхоналар.	
241.	Балиқ овлаш, денгиз маҳсулотларини қазиб олиш ва ушбу хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар; балиқ кулинарияси ва балиқ консервалари комбинатлари ва корхоналари, балиқ саноати совутгичлари, заводлар, азробалиқ қидириш.	
242.	Сугориш, сув чиқариш ва қуришиш тизимларидан фойдаланиш (ички хўжалик фойдаланилиши бунга кирмайди), шу жумладан сув омборлари платиналари, гидроузеллар, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари.	
243.	Ўрмонларни кўпайтириш, ўрмонларни тиклаш, ўрмонни парвариш қилиш, ўрмонни зарарли ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилиш. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмонларни бериш ва ўрмон фондини ҳисобга олиш. Барча ўрмондан фойдаланиладиганларни ҳисобга олиш ва ташкил этиш, ёввойи ҳайвонлар ва ҳайвонларни қўриқлаш.	
244.	Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, қайин шарбати, мевалар, кўзқоринлар, ёнғоқлар, резавор мевалар, олмалар, уруғлик, доривор ўтларни тўплаш ва уларга дастлабки ишлов бериш.	
245.	Ер ишларини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилотлари.	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{ст}
246.	Бинолар ва иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриш билан боғлиқ бурғулаш ва бурғулаш-портлатиш ишларига ихтисослашган қурилиш ташкилотлари.	
247.	Бинолар ва иншоотларнинг бетон, темир-бетон ва металл конструкцияларини монтаж қилишга ихтисослашган ташкилотлар.	
248.	Сувоқ, бўйаш, қоплаш ва безаш ишларининг бошқа турларини бажарадиган ташкилотлар.	
249.	Қурилиш конструкциялари, тикланадиган иншоотлар, ўрнатилган асбоб-ускуналар ва технологик қувурларни изоляциялаш, антисептирлаш ва бўйаш, буғ қозонлари, печлар ва бошқа агрегатларни қоплаш, футерлаш ишларини бажарадиган ташкилотлар.	
250.	Водопроводлар, канализациялар, газлаштириш, теплофикация ва марказий иситиш (иситиш буғ қозонлари, радиаторлар, калориферлар, бойлерлар ва ҳоказолар)нинг ички санитария-техника ускуналари ва қурилмаларини монтаж қиладиган ташкилотлар.	
251.	Ирригация-мелиорация бўйича махсус қурилиш ишларини бажарадиган ташкилотлар (суғориш, қуритиш).	
252.	Ташқи коммуникациялар (водопроводлар, канализациялар, теплофикациялар ва бошқалар)ни ётқизадиган, магистраль нефть-газ маҳсулотлари қувурларини ётқизадиган ташкилотлар). Темир йўллар ва автомобиль йўллари қуриш. Шаҳар йўллари қуриш ва бошқалар.	
253.	Дарёларда сув ости-техник, ғоввослик, тубни чуқурлаштириш, қирғоқни мустаҳкамлаш, бошқариш ишларини, тупроқни ювиш ишларини (асосий фаолият учун қум ва бошқа норуда хом ашёни гидро ювиш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлмаган) бажарадиган ташкилотлар.	
254.	Уй қурадиган ихтисослаштирилган ташкилотлар.	
255.	Бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари.	
256.	Қурилишда техника назоратини амалга оширадиган ташкилотлар.	
12 класс		
257.	Қора металл парчалари ва чиқиндиларига ишлов берадиган заводлар.	3,714
258.	Никель ва кобальт ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
259.	Электр двигателлар ва электр генераторлар, электр ўзгартириш қурилмалари (трансформаторлар, мотор-генераторлар, куч тўғрилагичлари), юқори вольтли ва паст вольтли электр аппаратлари, конденсаторлар, электр ускуналари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
260.	Кучли ва кучсиз токнинг кабеллари ва симларини, ўраш симларини, шнурлар ва кабель маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
261.	Қўрғошинли ва ишқорли аккумуляторлар, гальваник элементлар ва батареялар, электр бурчак буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
262.	Пайвандлаш узеллари ва буюмлари тайёрлашда йиғиш-пайвандлаш операцияларини бажариш учун автоматик, ярим автоматик поток-механизациялаштирилган линиялар, универсал ва	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Суғурта тарифи коэффициенти K_{CT}
	электр пайвандлаш ускуналари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
263.	Кимё саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари кимёвий жараёнлари учун технология асбоб-ускуналари ва аппаратуралар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
264.	Нефть-саноат ва бургулаш геология-қидирув ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
265.	Компрессор ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
266.	Вакуум насослари ва агрегатлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
267.	Насослар ишлаб чиқарадиган корхоналар: саноатда умумий қўлланиладиган марказдан қочиш, узатма ва буг поршенли насослар.	
268.	Рангли металллар, кулранг ва осон болғаланадиган чўян, пўлат, нометалл материаллардан қувур саноат арматураси ишлаб чиқарадиган корхоналар. Лўкидон ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар.	
269.	Суюқликлар ва газларнинг ҳарорати, босими, кескинлиги ва даражасини, сарфи ва миқдорини, моддаларнинг таркиби ва хоссаларини ўлчаш ва бошқариш учун приборлар, иккиламчи приборлар, регуляторлар ва ижро механизмлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
270.	Ток, қучланиш, қаршилик, қувват, частота, фазани ўлчаш учун электр ўлчаш приборлари, штитлар, лаборатория ва қўчма стрелочниклар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Рақамли приборлар ва аналог-рақамли ўзгартиргичлар.	
271.	Назорат-ўлчаш, геодезия, астрономия приборлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. Фотоаппаратлар, фотокинообъективлар, киноаппаратлар. Моддаларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш учун оптик ва оптик-механик приборлар.	
272.	Метеорология ва аэрология, гидрология, геофизика ва геология приборлари ва аппаратлари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
273.	Техника хавфсизлиги учун асбоб-ускуналар, ветеринария учун тиббиёт инструментлари, аппаратлар ва ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
274.	Қувур узеллари, электромонтаж, санитария-техник заготовклар, шунингдек назорат-ўлчов приборлари учун монтаж буюмлари ва автомат буюмлар тайёрлайдиган корхоналар.	
275.	Катакли ва тигиз силикато бетондан йирик блоklar, йирик ва майда деворбоп бетон блоklar, шағал-бетон блоklar, табиий тошдан блоklar ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
276.	Куйдирилган ва селикат куйдириш ғишти, керамика блоklари ва панеллар, ғиштдан блоklar ва панеллар, керамик черепица ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
277.	Табиий тошлар (блоklar): гранит, мрамор, оҳактош ва бошқаларни қазиб оладиган конлар. Оҳактош ва гипсли тош ва шағал қазиб оладиган корхоналар.	
278.	Титилган зиғир, калава, ип, хом мато ва тайёр газламалар (шу жумладан тикув станокларида ишлаб чиқарилган донали буюмлар), брезент ва бошқа техник ва ўраш учун газламалар, ёнғин қўлқопларининг узатма тасмалари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
279.	Отчилик, буғучилик, туячилик, ҳайвонотчилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқалар.	
280.	Ўсимликлар ва дов-дарахтларни ҳимоя қилишни, бошоқли дон экинларини тозалаш ва уларга кимёвий ишлов беришни ташкил этиш. Биостанциялар, биолоботориялар, карантин инспекциялари, сув ресурсларини тақсимлаш инспекциялари.	
281.	Машина-трактор парклари.	
13 класс		
282.	Пўлат ва чўян (босимли) сув қувурлари (қувурлар) ва уларга фасонлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	4,00
283.	Автомобиллар, тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун қўлқоплар, тасмалар, транспортёр ленталари, пластинлар, деталлар ҳамда бошқа резинотехника буюмлари, резинали моторлар, улардан тайёрланган буюмлар, латекс ва регинаратдан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
284.	Резина пойабзал ишлаб чиқарадиган ва уларни таъмирлайдиган корхоналар.	
285.	Автомобиль, пневмогилдиракли гусеницали миноралар, минорали кранлар, мачта ва юк ва йўловчиларни кўтарадиган кўтаргичлар, конвейерлар, лентали лебедкалар, қурилиш юклагичлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
286.	Шарикли ва роликли подшипниклар ва уларга деталлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
287.	Бинолар ва иншоотлар, қўприklar, ангарлар, электр узатиш линиялари учун қурилиш-пўлат конструкциялар, шунингдек бошқа қурилиш-металл конструкциялари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
288.	Тузилмавий маконли ва рамали конструкциялар ва биноларнинг каркасларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар.	
289.	Қурилиш деталлари (дераза ва эшик блоклари, паркет ва бошқалар), ёғоч толали, ёғоч қириндисили ва ёғоч-цемент плиталар, дурадгорлик плиталари ва ёғоч конструкциялар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
290.	Мебель (шу жумладан плетень мебель), мебель деталлари, пружинали матраслар, металл каркасдаги мебеллар, мактаб ва болалар мебели, кутубхоналар, музейлар, дорихоналар учун махсус мебель ва ҳоказолар) ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
291.	Цемент, майдалаш қурилмалари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
292.	Асбестоцемент листлар (шиферлар), конструктив элементлар ва деталлар, асбестоцемент қувурлар ва бошқа асбестоцемент буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
293.	Шиша саноати учун бирламчи хом ашёни қазиб олиш.	
294.	Дераза ойнаси, сирланган, архитектура-қурилиш ва техник шиша, пеношиша, силикат-глиба, тошдан ясалган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Шиша қувурлар ва блоклар, қурилиш, иссиқликни изоляция қиладиган шиша тола ва улардан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
295.	Шиша, консерва ва пардоз-андоз учун шиша идиш ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
296.	Навли ва хўжалик идиши, ойналар, термослар, лампалар ва фонарлар учун шиша, шишадан бадий буюмлар, биллур буюм-	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Суғурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
	лар ва бошқа хўжалик-маиший буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
297.	Пойабзалнинг устки қисми учун сунъий юмшоқ чарм, қоплаш мақсадида тикув ва галантерея буюмлари ва маиший мақсаддаги бошқа товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. Таглик резина, пойабзалнинг ички деталлари учун сунъий қаттиқ чарм ва бошқалар.	
298.	Бошоқли ва дуккакли экинлар етиштириш, шу жумладан уруғчилик.	
299.	Хўл мева, резавор мева ва узум, хўл мева, резавор мева ва узумнинг экиш материаллари етиштириш.	
300.	Пахта хом ашёси етиштириш.	
301.	Каноп, чой, эфир мойи, полиз маҳсулотлари, хмель, гуллар, декоратив ва доривор ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотларининг бошқа турларини, шу жумладан кўчат материали ва уруғлик етиштириш.	
302.	Аэрофото ўрмон қурилиши, ўрмон мелиорацияси, ўрмон тузиш корхоналари ва экспедициялар, ўрмонларни авиация воситасида муҳофаза қилиш базалари, ўрмон уруғларининг назорат станциялари, тупроқ ва норматив-тадқиқот лабораториялари, ўрмонларнинг инспекциялари.	
14 класс		
303.	Чўян, домна печи ферроқотишмалари, пўлат, қора металллар прокати, қора металлларнинг кейинчалик ишланадиган ва металл кукунларини ишлаб чиқарадиган корхоналар.	4,286
304.	Пўлат ва оддий сифатли пўлат арқонлар, михлар, маҳкамлаш буюмлари (гайкалар билан болтлар, шуруплар, винтлар ва бошқалар) пайвандлаш электродлари, металл тўрлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
305.	Бокситлар ва таркибида алюминий мавжуд бўлган бошқа хом ашёни қазиб оладиган, шунингдек эритилган шпатни қазиб оладиган ва бойитадиган корхоналар.	
306.	Рангли металллар ва қотишмаларга ишлов бериш корхоналари.	
307.	Умуммашинасозлик узеллари ва деталлари (редукторлар, гидроприводлар ва гидроавтоматика, пневматик ускуналар ва пневматик аппаратуралар, мойлаш ускуналари, филтрлайдиган қурилмалар, тишли филдираклар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар.	
308.	Қопловчи қум (шу жумладан қуруқ бойитилган, бентонит гил (шу жумладан кукунда), қолиповчи гил (шу жумладан кукунда), қоплама қилинадиган қопловчи қум, табиий ва сунъий оловда пиширилган оқ лой ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
309.	Иситиш қозонлари, приборлар (радиаторлар, қовурғали қувурлар, иссиқлик панеллари), иситиш-вентиляция ускуналари, (умумий вазифали вентиляторлар, калориферлар, газ агрегатларидан ташқари), уй буюмлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
310.	Автоматлаштирилган саноат газ ёнадиган қурилмалар, газ калориферлари, рекуператорлар, ҳар хил иситгичлар, саноат горелкалари учун пуфланган воситалар, пропорционализаторлар, маиший плиталар, газда ишлайдиган сув иситгичлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
311.	Авиация техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
312.	Метро вагонлари, трамвайлар ва троллейбусларни таъмирлай- диган ихтисослаштирилган корхоналар.	
313.	Ипак хом ашёси етиштирадиган корхоналар.	
314.	Тикув ва трикотаж ишлаб чиқариши учун калава, жун газламалар (шу жумладан хом мато, техник газламалар) ва донали буюмлар (одеяллар, рўмоллар, гиламлар ва гилам буюм- лари ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган корхоналар	
315.	Гиламлар ва гилам буюмларини тайёрлайдиган ва таъмир- лайдиган корхоналар.	
316.	Толаларнинг ҳар хил турларидан газлама ва ногозлама ватин типидаги ногозлама материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
317.	Мўйначилик. Ёввойи паррандалар тухумлари, бугу, косуль шоҳлари ва ҳоказоларни йиғиш. Илвасинни кўпайтириш ва унинг селекцияси. Ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва бошқаларни овлаш.	
318.	Цирклар (доимий ва кўчма), халқ цирк жамоалари.	
15 класс		
319.	Хлор саноати. Электролиз усули билан олинадиган каустик сода, хлор, ацетилин асосида хлорорганик синтез маҳсулотлари ва органик маҳсулотлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	4,571
320.	Механизациялаштирилган маҳкамлагичлар, ўйма комплекслар ва агрегатлар, шахта электровозлари, вагонеткалар, шахта кўтариш машиналари, тозалаш ва ўтиш ишлари учун комбайнлар, кўмир қазииш учун стругак қурилмалар, қайта юклагичлар ва бошқа- ларни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
321.	Металлдан жисмоний тарбия ва спорт учун буюмлар (қурол- лар, балиқ овлаш анжомлари, ов анжомлари, конькилар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. Болалар майдончалари учун ускуналар (зинапоялар, аргимчоқлар, каруселлар) ва бошқалар.	
322.	Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини ва инвентарни таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар.	
323.	Йиғма темир-бетон ва бетон (деворбоп материаллардан ташқари) конструкциялар арматура билан мустаҳкамлаш ҳам шу жумлага кирази ва цементли ва цементсиз бетонлардан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
324.	Линолеумнинг ҳар хил турлари, уни елимлаш учун мастиклар, қурилиш, пенополистил буюмлар ва полимер хом ашёдан қурилиш учун бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
325.	Қурилиш тоши, тошқол, қум-тош аралашма ва қурилиш қуми қазиб олиш, майдалаш ва бойитиш корхоналари.	
326.	Тикув ва трикотаж ишлаб чиқариши учун иплар, хом мато ва тайёр ип-газламалар, шу жумладан техник газламалар (бельтинг, узатма тасмалар, ёнғин қўлқоплари ва ҳоказолар), момиқ, ип- газлама ватин, иплар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
327.	Калава, ипак, иплар, барча турдаги хом мато ва тайёр ипак газламалар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
16 класс		
328.	Аппатит-нефелин ва фосфорит рудалар, табиий калийли тузлар, таркибида олтингугурт, бўр, маргумиш ва барит бор бўлган табиий рудаларни қазиб олиш ва бойитиш корхоналари.	4,857

Т/р	Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар)	Сугурта тарифи коэффициенти К _{СТ}
329.	Темир йўл ва ҳаракатланадиган умумий мақсадли ва махсус металл, портал, козлов, контейнер, бир блокли (кран-тўсин) электр кўприк кранлари, кран-штабелер, остликлар, қўлда бошқариладиган кранлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
330.	Чорвачилик ва паррандачиликни механизациялаштириш учун озуқа тайёрлаш ва озуқа етиштириш учун машиналар уларга асбоб-ускуналар, узеллар, деталлар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
331.	Экскаваторлар, зовур ва тупроқ қазгичлар, землесослар, грейдерлар, бульдозерлар, скреперлар, сирмангичлар, қор ортиладиган машиналар, йўл созлагичлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. Қувурлар (қувур ётқизгичлар, қурилиши учун махсус машиналар) ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
332.	Тракторлар, тракторларнинг барча турларини, трактор ва комбайн двигателларини, агрегатлар, узеллар, деталлар ҳамда тракторлар ва кўрсатиб ўтилган двигателларга қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
333.	Каноп толаси, жут ва толали ўсимликлар етиштирадиган корхоналар.	
17 класс		
334.	Таркибида қимматбаҳо металллар бор бўлган рудалар ва қумларни қазиб ва қайта ишлаш корхоналари.	5,143
335.	Бўғ қозонлари, энергетика атом реакторлари ва қозонхона-ёрдамчи ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
336.	Ёғочга ишлов бериш станоклари, тахта тиладиган рамалар, ёғочга ишлов бериш саноати учун автоматик ва ярим автоматик линиялар ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
337.	Хўжалик мақсадида чинни ва фаянс идиш ва бадий чинни ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
18 класс		
338.	Кўмирни очиқ усулда қазиб оладиган корхоналар.	5,714
339.	Қуйиш ускуналари ишлаб чиқариши. Аралашма тайёрлагич, қолиплагич ва стержень, тозалаш ва уриб чиқариш машиналари автоматик ва ярим автоматик поток линиялари, қуйиш машиналари ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
19 класс		
340.	Нометалл рудаларни қазиб олиш. Каолин, тальк, пегматит, слюда хом ашёси қазиб олиш ва бойитиш корхоналари.	6,00
341.	Пахта тозалаш саноати. Пахта толаси ишлаб чиқарадиган корхоналар.	
342.	Шахта қурилиши, шахталарни қуриши бўйича махсус ишларни ва бошқа кон қовлаш ишларини, шу жумладан метрополитен қурилишини амалга оширадиган ташкилотлар.	
20 класс		
343.	Кўмирни ер ости усулида қазиб оладиган корхоналар.	7,714
344.	Вольфрам-молибден рудасини қазиб оладиган ва бойитадиган корхоналар.	

4. Иш берувчи фаолиятининг барча турлари профессионал таваккалчилик даражасига қараб классларга бўлинади.

5. Профессионал таваккалчилик даражаси иш берувчилар фаолияти турлари бўйича шаклланадиган ишлаб чиқариш жароҳати, касб касаллиги

ва ижтимоий таъминлашга харажатлар даражасини ҳисобга оладиган профессионал таваккалчиликнинг интеграл кўрсаткичи миқдори асосида белгиланади.

6. Агар иш берувчи таснифлашда келтирилмаган фаолият турини амалга оширган тақдирда, фаолиятнинг ушбу турига нисбатан профессионал таваккалчилик даражалари бўйича 3,400 миқдорида суғурта тарифларининг ўртача қийматига тенг бўлган суғурта тарифи коэффициентлари қўлланилади.

II. Суғурта тарифининг таркиби

Кўрсаткичлар	%
Суғурта мукофотининг брутто-ставкаси	100
Нетто-ставка (иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича жорий суғурта тўловларини таъминлашга мўлжалланган брутто-ставканинг бир қисми)	70
Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш харажатлари	30
шу жумладан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича захирага ажратмалар	5

Изоҳ. Олдини олиш тадбирлари захираси маблағларидан суғурталовчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган огоҳлантириш тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда назарда тутилган мақсадларда фойдаланилади.

III. Суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчилар томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари коэффициентларини қўллаш тартиби

1. Бир йил муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори (P_p) Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ушбу илованинг I бўлимида келтирилган суғурта суммаси (C_c), йиллик базавий ставка (T_b) ва суғурта тарифининг тегишли тарифини (K_{ct}) кўпайтириш йўли билан қуйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$P_p = C_c \times T_b \times K_{ct} / 100$$

2. Бир йилдан кам муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори (P_p) Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ушбу илованинг I бўлимида келтирилган суғурта суммаси (C_c), йиллик базавий ставка (T_b) ва суғурта тарифининг тегишли тарифини (K_{ct}) ва мажбурий суғурта шартномаси тузиладиган кунлар сонини (D) кўпайтириш йўли билан қуйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$П_p = C_c \times T_b \times K_{CT} / 100 / 365 \times Д$$

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 6-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари ёки аннуитетлар шартномаси тузиш, иш берувчилар (ёки) жабрланувчилар ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони ва товонини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ўз филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлиши — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталовчилар учун».

2. 9-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Фаолияти предмети иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳам ҳисобланадиган лицензия талабгорлари ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари ёки аннуитетлар шартномаси тузиш, иш берувчилар (ёки) жабрланувчилар ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони ва товонини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ўз филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****300 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-1*

(2009 йил 30 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага (2009 йил 27 апрель, рўйхат рақами 1948 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 май,
16/1-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2009 йил 23 майдаги 16/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектларига банкларда ҳисобварақлар очиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари, қишлоқ жойларда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 баробари миқдорида ҳақ олинади.».

2. 10-банддаги «асосий ва иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкда жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун мазкур Йўриқноманинг иловаларида келтирилган тегишли шаклдаги ариза тақдим қилинади.

Жисмоний шахслар томонидан жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун мазкур Йўриқноманинг иловаларида келтирилган тегишли шаклдаги ариза ва қўшимча равишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади.».

4. 19-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бошқа банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма депозит ҳисобварақларини очишда ҳам асосий ҳисобварақ очиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.».

5. 31-банднинг «а» кичик бандидаги «3-илова» сўзлари «2-илова» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 55-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) тугатиш ишлари тугалланганлиги тўғрисида махсус комиссия томонидан расмийлаштирилган баённома;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

301 Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov» тўлов тизими орқали чакана тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1972

(2009 йил 30 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 3, 7 ва 17-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov» тўлов тизими орқали чакана тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 май,
15/2-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2009 йил 16 майдаги 15/2-сонли қарорига
ИЛОВА

**Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov» тўлов тизими
орқали чакана тўловларни амалга ошириш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Электрон тўловлар тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 373-модда), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда),

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–1090-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 181-модда) мувофиқ «Uz-to'lov» тўлов тизими (бундан кейинги ўринларда — Тизим) орқали чакана тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Амалиёт пункти — операторнинг тизимдаги автоматлаштирилган иш жойи;

Веб-интерфейс — оператор ёки тўловчи томонидан тўлов реквизитларини киритиш учун мулоқот дарчаси;

идентификатор — оператор тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва уни идентификация қилиш ва амалиёт пунктини Тизимга уланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган қурилма;

махсус ҳисобварақ — тўловчининг банк ҳисобварақларидан фаркланадиган ва уни идентификация қилиш ҳамда нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун қўлланиладиган Тизимдаги шахсий ҳисобварағи;

олувчи — товарлар (хизматлар) етказиб берувчи томонидан тўловларни Тизим орқали олувчи;

оператор — тизимда нақд пулларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш вазифаларини бажарувчи моддий-жавобгар шахс;

СМС-хабар — тизим томонидан шакллантирилган ва тўловни амалга оширилиши натижалари бўйича тўловчининг мобиль телефонига узатилган электрон маълумот;

ташқи оператор — Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 373-модда) мувофиқ ва Давлат-Тижорат Халқ банки (бундан кейинги ўринларда — ДТ Халқ банки) билан тузилган шартнома асосида Тизимга уланган ДТ Халқ банкининг бўлинмаси бўлмаган тижорат банки оператори ёки бошқа юридик шахслар;

чакана тўловлар — аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий, оилавий ёки бошқа мақсадларга фойдаланилган товар (хизматлар) учун истеъмол тўловлари;

чек — амалиёт пункти томонидан тўловчига тақдим қилинадиган ва тўловнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи маълумот ҳужжати;

электрон тўлов — техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

2. Тизим чакана тўловларни тўловчилар — жисмоний шахслардан олувчилар фойдасига қабул қилиш ҳамда миллий валютадаги пул ўтказмаларини амалга ошириш учун мўлжалланган.

3. Тизим аҳолидан тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда реал вақт режимида тўловларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва банк тизими билан мувофиқликда ишлашни таъминлайди ҳамда мижозларга ихтиёрий қулай усулда — нақд пул билан, банк картаси билан, оммавий ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи тўлов-маълумот терминаллари (инфокиоскалари) ва терминаллардан фойдаланган ҳолда, ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимлари орқали ҳамда мобиль телефонлари қўллаган ҳолда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

4. Тўловларни амалга ошириш схемаси 1-иловада келтирилган.

II. ДТ Халқ банки ва олувчининг ўзаро муносабатлари

5. Олувчи Тизимга уланиш учун тўловчиларнинг маълумотлар базасига эга бўлиши керак. Тўловчиларнинг маълумотлар базасини Тизим билан ўзаро боғлаш бўйича техник масалалар олувчи ва ДТ Халқ банки дастур яратувчилари томонидан иш жараёнида ҳал этилади.

6. ДТ Халқ банки ва олувчи ўртасида тузилган шартнома тўловларни қабул қилишни амалга ошириш учун асос бўлади.

7. Олувчи фойдасига қабул қилинган тўловлар бўйича воситачилик ҳақи томонларнинг ўзаро келишувига биноан аниқланади ва шартномада акс этирилади.

8. Тўловни амалга ошириш учун олувчи ва ДТ Халқ банкининг ўзаро шартномасида ўрнатилган воситачилик ҳақидан ташқари, қандайдир қўшимча устама ўрнатилиши ва тўловчидан олиниши ман этилади.

9. Тўловчилар ҳисобини юритишнинг марказлашган базаси ташкил этилгунга қадар, ДТ Халқ банки бўлинмалари ҳар куни тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларига киритиш учун электрон кўринишдаги тўловлар реестрини дастурий равишда шакллантиради ва олувчига тақдим қилади (2-илова).

III. Амалиёт пунктларини Тизимга киришини ташкил этиш

10. Тўловларни қабул қилишнинг шартларидан келиб чиқиб, Тизимга киришнинг турли усуллари кўзда тутилади:

а) Шахсий компьютернинг веб-интерфейси орқали — бу ҳолда кўп функцияли иловалар билан ишлаш, барча керакли хизматлардан фойдаланиш, квитанция ва бошқа ҳужжатларни чоп этиш мумкин. Бунда Тизим билан уланиш учун қуйидагилар бўлиши зарур:

операторга шахсий логин ва пароль ажратилган ҳолда банкнинг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилиши;

банк хавфсизлик хизмати томонидан берилган идентификаторнинг мавжудлиги;

умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғи ёки бошқа алоқа каналлари мавжудлиги;

б) Тўлов терминали орқали — бу ҳолда функциялар тўплами чекланган бўлиб, фақат тўловларни амалга ошириш, чекларни чоп этиш мумкин;

в) Интернетга уланган мобиль телефон орқали — бу ҳолда функциялар тўплами чекланган бўлиб, фақат тўловларни амалга ошириш, чекларни чоп этиш мумкин.

11. ДТ Халқ банкidan бошқа тижорат банклари, шунингдек, бошқа юридик шахслар Тизимга уланишлари учун ДТ Халқ банкига ёки унинг тегишли филиалларига 3-иловада келтирилган шаклдаги ариза билан мурожаат қилишлари керак.

IV. Аҳолидан тўловларни қабул қилиш ва амалга ошириш тартиби

12. Оператор Тизимга кириш ва иш бошлаши учун аутентификациядан ўтказилади. Операторни аутентификациялаш Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўлаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларининг (2008 йил 13 февраль, рўйхат рақами 1767 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 6-7-сон, 33-модда) 8-банди талабларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Тизимда тўловларни қабул қилишнинг учта варианты кўзда тутилган:

а) нақд пул билан;

б) банк картаси ёки депозит ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда;

в) тўловчиларнинг махсус ҳисобварақларидан.

14. Тўловчи электрон тўлов воситалари ва ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи терминаллар имкониятларидан фойдаланиш учун ДТ Халқ банкнинг тегишли филиалига мурожаат қилиши ва паспорти, ўз реквизитлари ва олувчининг банк реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тўловчи дафтарчасини тақдим қилиши керак. Улар асосида банк Тизимда тўловчининг карточкасини ҳамда товарлар (хизматлар) учун тўловларни ва пул ўтказмаларини амалга ошириш учун махсус ҳисобварақларни очади. Махсус ҳисобварақларни банк филиалларида банк депозит ҳисобварақларидан, шунингдек, банк картасидан фойдаланган ҳолда ёки нақд пул киритиш йўли билан бевосита Тизимнинг амалиёт пунктларида тўлдириш мумкин.

15. Тўловларни қабул қилиш учун оператор қуйидагиларни амалга оширади:

а) тўловчидан нақд пулларни (ёки банк картасини) ва тўловчининг дафтарчасини (ёки тўловчининг реквизитларини) қабул қилади;

б) пулларни қайта санайди (ёки банк картаси бўйича терминалда электрон тўловни шакллантиради);

в) Тизимга Веб-интерфейс орқали тўловчининг реквизитларини ҳамда тўлов суммасини киритади ва электрон тўловни тасдиқлайди.

16. Агар тўловчи илгари Тизим хизматларидан фойдаланган ёки махсус ҳисобварақ очган бўлса, унинг реквизитлари Тизимда сақланаётган бўлади.

Бу ҳолда тўловчининг дафтарчасини ёки унинг реквизитларини тақдим этилиши ҳамда маълумотларни қайтадан киритиш талаб қилинмайди.

17. Оператор томонидан тўлов маълумотлари киритилиши ва уни тасдиқланиши натижасида Тизимда электрон тўлов шаклланади ва у олувчининг маълумотлар базасида реал вақт режимида акс эттирилади.

18. Тўлов ижобий бажарилганда Тизимда электрон тўловнинг уникал коди билан электрон хабар шаклланади ва у операторнинг Веб-интерфейсида акс эттирилади ҳамда куйидаги реквизитлар билан чек чоп этилади:

Тизимнинг номи ва логотипи;

операциянинг уникал коди;

операциянинг амалга оширилган санаси ва вақти;

амалиёт пункти рақами;

тўлов нима учун ўтказилганлиги;

олувчининг номи ва унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи;

тўловчининг реквизитлари (шахсий ҳисобварағи, Ф.И.Ш., манзили ва бошқалар);

тўлов ва банк коммиссион хизматлари суммаси.

Чек узоқ сақланиш жараёнида ўзининг реквизитларини сақланиши талабларига жавоб бериши лозим.

Тўловчининг мобиль телефони рақами бўйича маълумот мавжуд бўлганда, унга қўшимча равишда операция амалга оширилганлиги тўғрисида СМС-хабар юборилиши орқали хабар берилади.

Оператор тўловчига чек бермаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

19. Электрон тўлов амалга оширилгандан сўнг тўловчига бериладиган чек квитанциялар, талонлар, билетлар ва товарлар (хизматлар) учун тўловни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

20. Олувчилар фойдасига тўловларни амалга ошириш учун махсус ҳисобварақлар мавжуд бўлганда, тўловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи терминаллар, ҳисобварақларни масофадан бошқариш тизими ёки мобиль телефон хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун тўловчи Тизимга кириш учун махсус ҳисобварақ рақамини ва паролени, кейин тўлов билан боғлиқ товар (хизмат) параметрларини киритади. Бунда олувчининг банк реквизитлари Тизим базасидан (тўловчининг карточкасидан) автоматик тарзда шаклланади. Тўловчи тўлов амалга оширилгандан сўнг ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи терминалдан тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида чек олади ва/ёки операция амалга оширилганлиги тўғрисида СМС-хабар билан хабардор қилинади.

21. Мобиль терминалдан фойдаланувчи операторлар тўловчи жойлашган манзилга бориб, тезкор тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Бунда тўлов албатта мобиль терминалдан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилиши ва чек берилишини ташкил этиши лозим.

22. Тизимда тўловларни банк ҳисобварақларидан амалга ошириш имконияти ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун тўловчи чакана тўловни амалга ошириш тўғрисидаги аризани расмийлаштиради ва ўрнатилган тартибда, Веб-

интерфейс орқали Тизимга киритиш учун ушбу банк ҳисобварағини очган банк филиали бухгалтериясига тақдим этади.

23. Иш куни якунида оператор Амалиёт пунктининг иши тўғрисида ҳисобот чоп этади, ҳисоботнинг умумий айланмасини операциялар чеклари ва нақд пуллар миқдори билан солиштиради ҳамда уни тасдиқлайди.

24. Агар амалиёт пункти банк биносидан ташқарида жойлашган бўлса, нақд пуллар ўрнатилган тартибда инкассация қилинади.

25. Амалиёт пунктининг банк иш куни тўғрисидаги ҳисоботи ва бошланғич ҳужжатлари (чеклар, аризалар, инкассаторга топширилган нақд пуллар тўғрисидаги квитанциялар ва бошқалар) тегишли банк филиалининг бухгалтериясига таққослаш ва сўнги назорат учун берилади, ва текшириб бўлингандан кейин ўрнатилган тартибда банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

V. Амалга оширилган тўловларни банклар балансида акс эттириш тартиби

26. «Uz-to'lov» тўлов тизими орқали олувчилар фойдасига тўловларни қабул қилиш улар билан ДТ Халқ банки ўртасидаги шартномаларга асосан амалга оширилади.

27. Барча нобанк ташқи операторлар Тизимда ишлашлари учун ДТ Халқ банки фойдасига гаров суммалари (таъминот)ни киритишлари лозим ва тўловларни ўтказиб берилган гаров суммалари доирасида қабул қилишлари мумкин. Шартнома бекор қилинган ҳолда, ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади ва ўтказилган гаров суммалари қолдиғи операторларга қайтарилади.

28. Тижорат банклари шартномаларда белгиланган муддатларда қабул қилинган тўловлар бўйича маблағларни ДТ Халқ банкига ўтказиб беришлари керак. Банклар томонидан маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган ҳолларда, ДТ Халқ банки ушбу банкларни Тизимдан чиқариш ҳуқуқига эга.

29. ДТ Халқ банки шартномаларда белгиланган тартибда ва муддатларда келиб тушган тўловларни олувчига ўтказиб беришда хизмат учун воситачилик ҳақини ушлаб қолади. Ўз навбатида, ДТ Халқ банки ушлаб қолинган воситачилик ҳақларини Тизимдаги операторларга тақсимлайди.

30. Тизим тўловчиларининг махсус ҳисобварақларидаги маблағлар ДТ Халқ банкининг Бош филиалидаги 22604-баланс ҳисобварақдаги алоҳида шахсий ҳисобварақларда йиғилади. Махсус ҳисобварақлар орқали тўловлар амалга оширилганда ҳисоб-китоблар дастурий равишда ушбу 22604-баланс ҳисобварағи орқали амалга оширилади. Махсус ҳисобварақлар ўртасида маблағларни ўтказиш фақат Тизим ичида, ДТ Халқ банки балансида акс эттирилмаган ҳолда амалга оширилади.

31. Тизимда пул ўтказмалари фақат ДТ Халқ банкининг Амалиёт пунктлари томонидан амалга оширилади. Пул ўтказмалари операциялари учун банкнинг ҳар бир филиалида 19983 ва 29883-баланс ҳисобварақларда алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Тизимдаги пул ўтказмалар бўйича қабул

қилинган маблағлар ДТ Халқ банкининг Бош филиалидаги 22604-баланс ҳисобварағида йиғилади.

32. Тўловларнинг ҳисоби ва уларнинг тижорат банклари балансида акс эттирилиши Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 32-сон, 369-модда) мувофиқ амалга оширилади.

§ 1. Амалга оширилган тўловларни ДТ Халқ банки ва унинг филиаллари балансида акс эттириш тартиби

33. Тизимда амалга оширилган барча электрон тўловлар автоматик равишда ДТ Халқ банкининг «NCI-bank» автоматлаштирилган банк тизимида акс эттирилади.

34. Филиаллардаги амалиёт пунктлар томонидан (товарлар (хизматлар) ва махсус ҳисобварағини тўлдириш учун) тўловлар қабул қилинганда, дастурий равишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) нақд пул шаклда:

Дебет	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар ёки
	10111	Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) банк ҳисобварақларидан нақдсиз шаклда:

Дебет	29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар (тўловчилардан «Uz-to'lov» тўлов тизимида махсус ҳисобварақларини тўлдириш учун келиб тушган маблағлар ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

в) банк воситачилик ҳақларини ҳисоблаш учун:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олиниши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки банк учун воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
-------	-------	--

Кредит 45294 Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун).

35. ДТ Халқ банкининг Бош филиалида филиаллар билан ҳисоб-китоблар қилишда, тўловларни қабул қилиш билан параллел равишда дастурий тарзда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

а) қабул қилинган тўловлар суммаси бўйича:

Дебет 19983 «Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар

Кредит 29883 «Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) ДТ Халқ банкининг Бош филиали учун банк воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет 19983 «Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар

Кредит 45294 Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки ДТ Халқ банкининг Бош филиали учун банк воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет 29883 Банкнинг «Uz-to'lov» тўлов тизимидаги ҳисоб-китоблари бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисобварағи

Кредит 45294 Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун)

в) ДТ Халқ банкининг филиали учун банк воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет 19983 «Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар

Кредит 29883 «Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар,

ёки ДТ Халқ банкининг филиали учун банк воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет 29883 «Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар

Кредит 29883 «Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар.

36. ДТ Халқ банкининг филиалларида ДТ Халқ банкининг Бош филиали билан ҳисоб-китобларни бажаришда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир оператор учун очилган алоҳида ҳисобварақлари бўйича филиалнинг ички вакиллик ҳисобварақлари орқали).

37. ДТ Халқ банкининг Бош филиалидаги 29883-баланс ҳисобварағида жамланган маблағлар, олувчилар билан тузилган шартномалар шартларига мувофиқ, тўловларнинг электрон реестрларига асосан олувчиларга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказиб берилади:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит		Олувчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари

38. Тизимда тўловчиларнинг махсус ҳисобварақларини тўлдиришда ва улар орқали тўловларни амалга оширишда, ДТ Халқ банкининг Бош филиалида дастурий равишда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

а) тўлов қабул қилган ДТ Халқ банкининг филиали бўйича махсус ҳисобварақлар тўлдирилганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар
Кредит	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун);

б) махсус ҳисобварақлардан товарлар (хизматлар) учун тўлов амалга оширилганда:

Дебет	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар

в) ДТ Халқ банкининг Бош филиали фойдасига воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки ДТ Халқ банкининг Бош филиали фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун)

г) ДТ Халқ банкининг филиали фойдасига воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	29883	Банкнинг «Uz-to'lov» тўлов тизимидаги ҳисоб-китоблари бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисобварағи,

ёки ДТ Халқ банкининг филиали фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар.

39. Тизим орқали миллий валютадаги пул ўтказмаларини амалга оширишда дастурий равишда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

а) ижро учун тўлов қабул қилган ДТ Халқ банкининг филиалида:

Дебет	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар
	ёки	
	10111	Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар

ва

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун);

б) пул ўтказмасини тўлаган ДТ Халқ банкининг филиалида:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар
-------	-------	---

Кредит	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар
	ёки	
	10111	Банк биносига жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар

ва

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун);

в) пул ўтказмалари бўйича қабул қилинган маблағлар автоматик равишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ДТ Халқ банкининг Бош филиалида йиғилади:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар
Кредит	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун);

г) ДТ Халқ банкининг Бош филиалида, пул ўтказмасини тўлаб берган ДТ Халқ банкининг филиалига маблағни қоплаб берганда:

Дебет	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун)
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар (филиалларнинг ички вакиллик ҳисобварақлари орқали).

40. ДТ Халқ банкининг Бош филиалида воситачилик ҳақларини тақсимлашда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

а) олувчилардан маблағлар келиб тушганда:

Дебет		Олувчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)

б) ДТ Халқ банкининг филиаллари бўйича даромадлар тақсимланганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар (филиалларнинг ички вакиллик ҳисобварақлари орқали).

§ 2. Амалга оширилган тўловларнинг бошқа банклар ва уларнинг филиаллари балансида акс эттириш тартиби

41. Тижорат банкларининг филиалларида амалиёт пунктлари томонидан тўловларни қабул қилишда (товарлар (хизматлар) ва махсус ҳисобварақларни тўлдириш учун) қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

а) нақд пул шаклида:

Дебет	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар
	ёки	
	10111	Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) банк ҳисобварақларидан нақдсиз шаклда:

Дебет	29801	Мижозлар билан ҳисоб-китоблар (тўловчилардан «Uz-to'lov» тўлов тизимида махсус ҳисобварақларини тўлдириш учун келиб тушган маблағлар ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

в) банк воситачилик ҳақларини ҳисоблашда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки банк фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун).

42. Банк филиалларида Бош филиал билан ҳисоб-китобларни бажаришда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинаниши лозим бўлган маблағлар (филиалларнинг ички вакиллик ҳисобварақлари орқали).

43. Банклар қабул қилинган тўловлар бўйича маблағларни шартномаларда белгиланган муддатларда ДТ Халқ банки фойдасига ўтказиб бориши керак. Тўловларнинг электрон реестрига мувофиқ ДТ Халқ банки билан ҳисоб-китобларда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) амалга оширилган тўловлар бўйича маблағлар йиғилганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир оператор учун алоҳида)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) йиғилган тўловлар суммаси ДТ Халқ банки фойдасига ўтказилганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали).

44. Тўловчиларнинг махсус ҳисобварақларини тўлдириш 41-бандга мувофиқ амалга оширилади. Бунда ДТ Халқ банкида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар
Кредит	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун).

45. ДТ Халқ банкида тўловларни амалга оширишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) товарлар (хизматлар) бўйича қабул қилинган тўловлар суммасига:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) махсус ҳисобварақлардан товарлар (хизматлар) учун тўловлар тўланганда:

Дебет	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

в) ДТ Халқ банки фойдасига банк воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки ДТ Халқ банки фойдасига банк воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун)

г) ташқи оператор фойдасига воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар,

ёки ташқи оператор фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар

46. Шартномаларда белгиланган муддатларда ДТ Халқ банкidan ташқи операторлар фойдасига воситачилик ҳақлари учун маблағлар келиб тушади. Ўз навбатида, Бош филиал келиб тушган мазкур маблағларни филиаллар ўртасида тақсимлайди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) ДТ Халқ банкidan маблағлар келиб тушганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар (ДТ Халқ банкнинг вакиллик ҳисобварағи орқали);

б) маблағлар филиаллар бўйича тақсимланганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
-------	-------	--

Кредит 19983 «Uz-to'lov» тўлов тизимида олиниси лозим бўлган маблағлар (филиалларнинг ички вакиллик ҳисобварағи орқали).

§ 3. Нобанк ташқи операторлар томонидан амалга оширилган тўловларни ДТ Халқ банки балансида акс эттириш тартиби

47. Маблағларни ДТ Халқ банкига ўтказиш қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дебет		Нобанк ташқи операторларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари
Кредит	22696	Бошқа депозит мажбуриятлари («Uz-to'lov» тўлов тизимида нобанк ташқи операторларнинг маблағлари ҳисобини юритиш учун).

48. Нобанк ташқи операторлар томонидан махсус ҳисобварақлар тўлдирилганда, ДТ Халқ банкида қўйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет	22696	Бошқа депозит мажбуриятлари («Uz-to'lov» тўлов тизимида нобанк ташқи операторларнинг маблағлари ҳисобини юритиш учун)
Кредит	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун).

49. Нобанк ташқи операторлар орқали тўловлар амалга оширилганда, шу жумладан, махсус ҳисобварақлардан ҳам, ДТ Халқ банкида қўйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

а) қабул қилинган тўловлар суммасига:

Дебет	22696	Бошқа депозит мажбуриятлари («Uz-to'lov» тўлов тизимидаги нобанк ташқи операторларнинг маблағлари ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

б) махсус ҳисобварақлардан товарлар (хизматлар) бўйича тўловлар амалга оширилганда:

Дебет	22604	Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли («Uz-to'lov» тўлов тизимида тўловчиларнинг маблағларини ҳисоби учун)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар;

в) ДТ Халқ банки фойдасига банк воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун),

ёки ДТ Халқ банки фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	45294	Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар («Uz-to'lov» тўлов тизимида операциялар бўйича олинган даромадлар ҳисобини юритиш учун);

г) нобанк ташқи операторлар фойдасига воситачилик ҳақлари ҳисобланганда:

Дебет	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида)
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар,

ёки нобанк ташқи оператор фойдасига воситачилик ҳақлари олинганда:

Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар.

50. ДТ Халқ банки шартномаларда келишилган муддатларда нобанк ташқи операторларнинг воситачилик ҳақларини тўлайди. Бу учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) ДТ Халқ банкига олувчилардан маблағлар келиб тушганда:

Дебет		Олувчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари
Кредит	19983	«Uz-to'lov» тўлов тизимида олинishi лозим бўлган маблағлар (ҳар бир олувчи учун алоҳида);

б) нобанк ташқи операторларга даромадлар тўланганда:


Дебет	29883	«Uz-to'lov» тўлов тизимида тўланиши лозим бўлган маблағлар
Кредит		Нобанк ташқи операторларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари.

51. Тизимда амалга оширилган тўловлар бўйича олинган даромадлар ҳисоби банк балансида ҳар бир филиал бўйича алоҳида 45294 – баланс ҳисобварағида, харажатлар ҳисоби эса харажатлар турига қараб тегишли ҳисобварақларда юритилади.

VI. Тизимдаги ҳисоботлар

52. Тизимда тезкор мониторингни юритиш ва тўловчилар ҳамда олувчилар учун ҳисоботлар тақдим этиш учун амалиёт пунктлари, туманлар, вилоятлар, бутун республика бўйича, шунингдек, олувчилари қирқимидаги ҳисобот шаклларида фойдаланилади (4-илова).

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov»
тўлов тизими орқали чакана тўловларни
амалга ошириш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА



Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov»
тўлов тизими орқали чакана тўловларни
амалга ошириш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

200__ й. _____ да тўловлар
(давр)

РЕЕСТРИ

Т/р	Операциянинг уникал коди	Тўловчининг реквизитлари	Тўлов суммаси	Товар (хизмат) номи	Операция амалга оширилган сана	Операция амалга оширилган вақт
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
...						
Жами						

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov»
тўлов тизими орқали чакана тўловларни
амалга ошириш тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Юридик шахснинг бланкида

«____» _____ № _____

Ўзбекистон Республикаси
ДТ Халқ банкининг

_____ департаменти (бошқармаси, бўлими)га
100096, Тошкент ш., Қатортол к., 6-уй
(бўлинманинг вилоят ва тумандаги адреси)

«Uz-to'lov» тўлов тизимига уланишга рухсат бериш учун
АРИЗА

Юридик шахснинг номи:
Тўлиқ _____
қисқартирилган _____
Юридик шахснинг жойлашган манзили _____

Юридик шахснинг почта адреси _____

Давлат рўйхатидан ўтган санаси _____

Телефон номери _____

Факс номери _____

Электрон почта адреси _____

Банк реквизитлари _____

Бизга ДТ Халқ банкининг «Uz-to'lov» тўлов тизимига уланишга рухсат беришингизни сўраймиз.

Иловалар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси, инкассация шартномаси нусхаси, бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари.

Раҳбар _____

(Ф.И.Ш.)

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Uz-to'lov»
тўлов тизими орқали чакана тўловларни
амалга ошириш тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

200__й. _____ да
«Uz-to'lov» тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш
бўйича маълумот (амалиёт пунктлари қирқимида)

Т/р	Амалиёт пункти номери	Кирим, жумладан		Тўловлар суммаси	Олинган даромад
		нақд пулда	нақд пулсиз		
1.					
2.					
3.					
4.					
...					
Банк бўйича жами					
Тизим бўйича жами					

200__й. _____ да

«Uz-to'lov» тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш
бўйича маълумот (олувчилар қирқимида)

Т/р	Олувчилар номи	Қабул қилинган тўловлар		Тўлаб берилган сумма
		жами	олинган даромад	
1.				
2.				
3.				
4.				
...				
Жами				

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

302

«Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдори-
нинг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача
йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғри-
сида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-1

(2009 йил 30 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон
Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги
низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

маркази бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сонли «Бош-қарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1322, 2003 йил 5 март), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 111-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 июнь,
2009-30-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

303 **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1705-1*

(2009 йил 30 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сонли «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

1. «Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга (2007 йил 28 август, рўйхат рақами 1705 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 362-модда) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раисининг ўринбосари,
Ижро аппарати раҳбари**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 май,
8-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 май,
57-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 май,
151-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 май,
75-сон

Фанлар академияси президенти

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 май,
6/7-сон

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2009 йил 19 майдаги 8, 57, 151, 75, 6/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника
дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 42-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Молиялаштирилиши тўхтатилган лойиҳалардан бўшаган маблағлар Қўмита ва вазирликларнинг қарорига кўра лойиҳа бажарилиб келаётган ижрочи ташкилотнинг юқори самара кўрсатиши кутилаётган амалдаги лойиҳаларини қўшимча молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин. Қўмита ва вазирликлар ўз навбатида лойиҳаларни тўхтатилиши, улардан бўшаб қолган маблағни бошқа самарали лойиҳага қўшилишини асосланганлиги ва ўзгараётган молиявий ҳажми тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлигига тақдим этади.».

2. Низомга илованинг 2-шакли изоҳ қисмининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника лойиҳаларининг ҳар бир ижрочиси фақат бир лойиҳада тўлиқ ставкада ва икки лойиҳада ўриндош сифатида иштирок этиши мумкин, шунингдек уларнинг умумий улуши икки тўлиқ ставкадан ошмаслиги лозим.».

3. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель*

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 19 май*

Халқ таълими вазири

Ф. ШОУМАРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 19 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

304 **Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг
малака тавсифларига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1541-1*

(2009 йил 4 июлдан кучга киради)

Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган истеъдодли, ўз касбига содиқ педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 105, 42, 01-357-сонли қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари»га (2006 йил 18 январь, рўйхат рақами 1541 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 3-сон, 20-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 май,
21-Қ/Қ-сон

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 май,
5/7-сон

**Давлат тест
маркази директори**

Б. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 май,
15/ҚҚ-15-1-ҚҚ-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги,
Давлат тест марказининг
2009 йил 22 майдаги 21-Қ/Қ, 5/7,
15/ҚҚ-15-1-ҚҚ-сон қарорига
ИЛОВА

**Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака
тавсифларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг «в» кичик банди ва 8-банднинг «в» кичик бандидаги «1-» сони «иккинчи» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 9-банд қуйидаги мазмундаги «к», «л», «м» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«к) ўқувчиларнинг тартиб-интизоми ва давомати, тарбиявий ишлар самарадорлигининг назоратини амалга оширади;

л) санъаткорлар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қилади;

м) ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади».

3. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бундан ташқари, педагогика фани ва амалиёти, бошқарув психологиясининг жаҳон ва мамлакат миқёсидаги эришилган ютуқлари, ўқувчиларни ватанпарварлик, халқимиз ва ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси тарихини ҳурмат қилиш руҳида маънавий-маърифий тарбиялаш усуллари биллиши лозим».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ҲАЙЪАТИНИНГ
ҚАРОРИ

305 Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 762-1*

(2009 йил 4 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ҳайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги 2/6-сонли Ҳайъат қарори билан тасдиқланган Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 762, 1999 йил 2 июль) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Ҳайъат раиси

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 июнь,
5/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги Ҳайъатининг
2009 йил 12 июндаги 5/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш,
уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1.1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-модда) мувофиқ ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. 1.2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2.1-банддаги «Меҳнат вазирлиги, ҳудудий меҳнат органлари (Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармалари)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4. 2.2-банднинг биринчи хатбошисидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 3.20-банддаги «Меҳнат вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 3.24-банддаги «Меҳнат вазирлигига» сўзлари «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**306 Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1973*

(2009 йил 5 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
23/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 2 июндаги 23/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда
меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) Қонунига мувофиқ отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажариш билан шуғулланадиган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажариш билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

2. Мазкур Қоидалар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, ҳайвонлар гигиенаси нормалари ва ветеринария-санитария қоидалари, давлат стандартларининг тегишли нормалари, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

4. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

5. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкилот раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш киради.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда тугатилади.

7. Корхоналарда отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

8. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги на-

мунавий низомга мувофиқ корхоналарда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ходисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши ва бошқалар.

9. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ходисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юриштиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

10. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

11. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлардан ўтказиш, ўқитиш ва билимларини текшириш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

12. Корхона маъмурияти барча ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усуллари ташкил этишлари ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

13. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) низомга мувофиқ ишлаб чиқилади. Ходимларни ушбу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбариятининг зиммасига юклатилади.

3-§. Касбий танлов

14. Корхоналарда касбга кўра танлаш ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассислар рўйхати бўлиши лозим.

15. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажариш билан шуғуллана-

диган ходимлар тегишли касбий маълумотга ва зарур иш тажрибасига ҳамда ушбу ишларни бажаришда қўйилган талабларга жавоб берадиган даражада ишларни ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

16. Ходимлар отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришга киришиш олдидан бундай ишларни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқлар олишлари, ўрнатилган талаблар билан танишишлари ҳамда уларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўзлаштириб олган бўлишлари лозим.

17. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларнинг касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

18. Ҳомиладор, эмизикли аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан, отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришга рухсат этилмайди.

4-§. Ходимларнинг якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиши

19. Ходимлар якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан корхона томонидан бепул таъминланиши лозим.

20. Якка тартибда ҳимоя воситаларидан фойдаланишда, ходимлар уларнинг қўлланилиш усуллари, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддатлари тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

21. Корхона раҳбарияти қуйидагиларни таъминлаши шарт:

амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни;

шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

22. Шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш, бериш ва қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

23. Ходимлар отларнинг ҳаракатини чекловчи асбоб-ускуналардан фойдаланиши шарт.

5-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

24. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришга белгиланган тартибда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтган ҳамда тиббий жихатдан соғлом бўлган шахслар қўйилади.

25. Корхона раҳбарияти (ёки иш берувчи) ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда уларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши лозим.

26. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

27. Корхона раҳбарияти тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, ҳамда далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

28. Даврий тиббий кўрикларни ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра берилган тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик корхона маъмурияти зиммасига юкланади.

29. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, корхона маъмурияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

30. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.

III. Хавфли ва зарарли омиллар ва улардан ҳимояланиш усуллари

31. Ҳар бир корхона, амалдаги тармоққа мос келадиган хавфи юқори шароитларда бажариладиган ишлар рўйхатини тузиб чиқиши зарур.

32. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда хавфли ва зарарли омиллар инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

33. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда хавфли ва зарарли омилларга қуйидагилар киради:

- а) асов ва асабий отлар;
- б) носоз улов воситалари;
- в) йўлларда хавфли паст-баландликлар;
- г) дарё ва йўллардаги қалинлиги 15 см дан кам бўлган музлар;
- д) йўлларни темир йўл ўтиш жойлари билан кесишиши;
- е) юқумли касалликлар билан зарарланишлар.

34. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда инсонлар ва ҳайвонларга хос касалликлар (туберкулёз, бруцеллёз, лептоспироз ва бошқалар) билан касалланган шахсларнинг ишлашлари тақиқланади.

35. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда тери касалликлари билан касалланган, шилинган ва майда яралари бор ходимлар фақат шифокор рухсати билан ишга қўйилади.

**IV. Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда
хавфсизлик талаблари**

36. Отлар сақланидиган корхона ҳудудидаги йўллар, йўлаклар ва ўтиш жойлари бўш, текис ва етарлича ёритилган бўлиши керак. Қиш вақтида ўтиш жойлари ва йўлаклар қордан тозаланиши лозим.

37. Озуқа йўлаклари ҳар хил жиҳоз ва материаллар билан беркитилмаслиги керак.

38. Қиш мавсумида музлаган йўлакларга қум, шлак ва қиринди сепилиши лозим.

39. Корхона ҳудудида транспорт ва кишиларнинг ҳаракатини бошқарувчи йўл белгилари ва кўрсаткичлари бўлиши керак.

40. Корхона ҳудуди тунги пайтда талабларга мос ҳолда ёритилиши лозим.

41. Ишчи отлар ҳар бир отбоқарга махсус бириктирилади.

42. Қишлоқ хўжалик мосламалари отга фақат соз ҳолда қўшилиши лозим.

43. От арава ва отга қўшиб ишлатиладиган мосламалар ҳар бир отга алоҳида бўлиши керак.

44. Қишлоқ хўжалик мосламаларига қўшилган отларни ёлғиз қолдириш тақиқланади.

45. Ишга чиқишдан олдин бригадир ва отбоқар ишга тааллуқли барча инвентарларнинг созлигини текшириш ҳамда филдиракларнинг маҳкамлигига алоҳида эътибор қаратиши керак.

46. От-улов воситалари ва бошқа мосламалар ҳар доим соз ҳолда бўлиши керак.

47. От-улов воситалари отбоқарга отнинг орқа оёғи етмайдиган ҳолда, махсус ўриндиқлар билан жиҳозланиши керак.

48. Ҳуркак ва яғир отларда кўзпанасиз ва юганланмаган ҳолда юришга рухсат этилмайди.

49. Ташиш ишлари билан банд бўлган отларнинг ҳамма туёқлари тақаланган бўлиши керак.

50. Автотранспорт ва бошқа транспорт воситалари тез ҳаракатланадиган йўлларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қиладиган отбоқар ва ювош ҳамда ўргатилган отлардан фойдаланилади.

51. Юқори тепаликлардан пастга тушишда аравалар оралиғида маълум масофа бўлиши, уларда тормоз тизими қўлланилиши талаб этилади ва бундай пайтда одамлар аравада бўлиши тақиқланади.

52. От-уловларини карвон ёки гуруҳлаб тупроқ ёки қор йўлларда ҳамда бироз қия йўлларда олиб боришда 1,5 — 2 м, муз йўлларда 5 м оралиқ масофа сақланиши керак.

53. От-уловлар оралиғи кескин пастликларда пастлик узунлигича бўлиши керак. Кескин пастликларда албатта ҳаракатни тўхтатувчи мосламани (тормоз) қўллаш керак. Бундай ҳолатларда от уловларда одам бўлиши тақиқланади.

54. От-уловларини дарё ва қўлларда муз қалинлиги етарли бўлмаганда ҳамда баҳор вақтида музларда ёриқ пайдо бўлганда ва муз сув билан қопланганда олиб юриш тақиқланади.

55. Пастқамлик, қумлоқ йўлларда, темир йўл ўтиш жойларида ва бошқа хавфли жойларда отларни бошқарувсиз қолдиришга рухсат этилмайди.

56. Донали оғир, ҳамда катта ҳажмдаги юклар аравага занжир, трос ёки арқон билан яхшилаб боғланиб, махсус устунча ва поналар билан маҳкамланиши лозим.

57. Ёш отларни юк ташишга ўргатиш малакали ходимларга юклатилади.

58. От-уловларда хавфсиз ҳаракатланиш учун:

жиловни икки қўллаб ушлаш ва жиловни ерга осилиб қолишига йўл қўймаслик;

аравани ҳаракатга келтиришда жиловни секин силкитиш билан отларни юргизиш;

аравани тўхтатишда жиловни секин тортиш, керак бўлганда сал кучлироқ тортиш, лекин кескин силкитмаслик;

аравани буришда жиловни қайтариладиган томони тортилиши, лекин карама-қарши томони қўйиб юборилмаслиги керак.

59. Аравакаш ўтирадиган жойда ҳайдовчининг оёғини тирайдиган қаттиқ асос бўлиши керак.

60. От аравада озукани тарқатишда аравани тўхтатиб ерга тушилади, сўнгра озуқа тарқатилади.

61. Яйловда отлар билан ишлаганда олдин эгарининг мустаҳкамлиги ва тўғри боғланиши ҳамда узангини мустаҳкамлиги текширилади. Узангилар тортилгандан сўнг айил узунлиги аниқланади. Эгар устида ўтирганда оёқ кийим узангига тўғри келиши лозим.

62. Эгарланган отни юганидан тутиб отхонадан чиқариш лозим. Отхонадан ёки бошқа ёпиқ иморатлардан чиқишда ёки у ерларга киришда отларга минилмайди.

63. Эгар устида ўтирганда юганни қўлга ўраш, қўйиб юбориш мумкин эмас, отни тўғри бошқариш керак.

V. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганлиги учун ходимларнинг жавобгарлиги

64. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

65. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

VI. Якуний қоида

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

2009 йил 20 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

2009 йил 20 апрель

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2009 йил 20 апрель

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 20 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

307 Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1974*

(2009 йил 6 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил,

9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-330-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги ПҚ-456-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 36-сон, 359-модда) қарорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 44 ва 2006-26-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2006 йил 15 июнь, рўйхат рақами 1583 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 24-сон, 222-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2006 йил 7 декабрда 99 ва 2006-48-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2006 йил 25 декабрь, рўйхат рақами 1583-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 521-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 май,
50-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 май,
2009-19-сон

Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитасининг 2009 йил 1 майдаги 50,
2009-19-сон қарорига
ИЛОВА

**Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика
корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат
солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сон «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 138-модда) ва 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорларига мувофиқ пахта толаси ва линтни республика корхоналарига ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари орқали экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Пахта толаси ва линтни (кейинги ўринларда пахта толаси деб аталади) экспортга ва пахта толасини қайта ишловчи республика корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари (кейинги ўринларда ТИАИСВ компаниялари деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси валюта майдончаси (кейинги ўринларда ЎзРТХБ деб аталади) орқали чет эл валютасида амалга оширилади.

Республиканинг айрим тармоқларидаги корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра пахта толаси «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари (кейинги ўринларда «Пахтасаноат» ХАБ деб аталади) билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиниши мумкин.

2. Пахта толасини экспортга ва республика корхоналарига ТИАИСВ

компаниялари ва ЎзРТХБ орқали реализация қилиш ва пахта толаси учун ҳисоб-китоблар республика корхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сон «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 359-модда) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

II. Пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш тартиби

3. Пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толасини «Пахтасаноат» ҲАБга реализация қилиш кондицион оғирликда улгуржи прејскурант нархларда:

республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғининг 20 % ставкаси қўлланилган ҳолда;

экспортга реализация қилиш учун мўлжаллангани — қўшилган қиймат солиғини ноль даражали ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳисобварақ-фактуралар пахта тозалаш заводлари томонидан пахта толаси бўйича «Пахтасаноат» ҲАБнинг нарядлари асосида ёзилади.

Кейинчалик республика корхоналарига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ва кейинчалик экспортга реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толаси бўйича ҳисобварақ-фактураларни пахта тозалаш заводлари томонидан тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 1 ва 1а-иловаларида келтирилган.

5. Пахта тозалаш заводларига пахта толасини экспортга етказиб беришда ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариб бериш Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомда (2008 йил 16 май, рўйхат рақами 1807 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 20-21-сон, 180-модда) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, пахта толасини экспортга реализация қилинганлиги тасдиғи сифатида пахта тозалаш заводлари «Пахтасаноат» ҲАБнинг нарядини ва ушбу наряд асосида ёзилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этадилар.

III. Республика корхоналарига пахта толасини реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини акс эттириш тартиби

6. Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ қўшилган қиймат солиғини қўшилган қиймат солиғи сумма-

сини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради.

7. Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалари бўйича республика корхоналарига реализация қилишда, шунингдек пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакллари ва мисоллари мазкур Низомнинг 2 ва 2а-иловаларида келтирилган.

«Пахтасаноат» ҲАБ ёзиб берилаётган ҳисобварақ-фактурада пахта толаси қийматини ва қўшилган қиймат солиғи суммаларини тегишинча ажратиб кўрсатган ҳолда воситачилик ҳақи суммасини алоҳида сатрларда ажратиб кўрсатади.

Бунда, ҳисобварақ-фактуралар мазкур Низомга мувофиқ қатъий амал қилган ҳолда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

8. ТИАИСВ компаниялари пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ҳисобварақ-фактурада «Пахтасаноат» ҲАБ ҳисобварақ-фактураларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини, шунингдек компаниянинг воситачилик ҳақидаги қўшилган қиймат солиғи суммасини ажратиб кўрсатадилар.

Пахта толасини республика корхоналарига реализация қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 2б-иловасида келтирилган.

9. ТИАИСВ компаниялари томонидан ёзиладиган ҳисобварақ-фактурада ажратиб ёзилган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда республика корхоналари томонидан ҳисобга олинади.

IV. Пахта толасини экспортга реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларда қўшилган қиймат солиғи суммасини акс эттириш тартиби

10. «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан пахта толасини экспортга реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи ўзининг воситачилик ҳақи суммасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

11. Пахта толасини экспортга ТИАИСВ компаниялари орқали реализация қилишда «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш шакли ва мисоли мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган.

12. «Пахтасаноат» ҲАБ томонидан ЎзРТХБ ва ТИАИСВ компаниялари орқали экспортга реализация қилинган пахта толаси ҳажмига белгиланган тартибда жаҳон нархларида қўшилган қиймат солиғисиз инвойс ёзиб берилади.

**V. Пахта тозалаш заводлари томонидан қўшилган
қиймат солиғи ҳисоб-китобини тузишнинг ўзига хос
хусусиятлари**

13. Пахта тозалаш заводлари Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китобида (Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларининг 2-илоvasи) (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 3-4-сон, 15-модда):

4-устуннинг 01031 ва 01033-сатрларини, шунингдек 3-устуннинг 01034-сатрини тўлдирмайдилар;

5-устуннинг 05031-сатрида 5-устуннинг 0503-сатридаги қийматини так-
рорлайдилар.

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Пахта толасини кейинчалик республика корхоналарига реализация қилиш учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ

2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга
2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон қўч., 1
Телефон: 56-57-321
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ
Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувони қўч., 16
Телефон : 223-00-64
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					став-каси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	20	160 506	963 036
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	20	491 147	2 946 884
ЖАМИ		2000,0		3 258 267		651 653	3 909 920

Жами тўлашга: уч миллион тўққиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма сўм.

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

Олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

Пахта толасини кейинчалик экспортга реализация қилиш учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига реализация қилишда пахта тозалаш заводлари томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ

2009 йил 4 январдаги 10/1-010-сонли Нарядга
2009 йил 5 январдаги 104/007-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи: ОАЖ «Қорақўл»
Манзил: 106000, Қорақўл ш., Нурафшон кўч., 1
Телефон: 56-57-321
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Сотиб олувчи: «Бухоро Пахтасаноат» ҲАБ
Манзил: 105004, Бухоро ш., Ғиждувони кўч., 16
Телефон : 223-00-64
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
Банк:
Банк коди:
СТИР:
ХХТУТ:

Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					став-каси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, биринчи нав, ўрта синф	кг	500,0	1 605, 058	802 530	0	0	802 530
2. Пахта толаси, 5 тур, иккинчи нав, олий синф	кг	1500,0	1 637, 158	2 455 737	0	0	2 455 737
ЖАМИ		2000,0		3 258 267			3 258 267

Жами тўлашга: уч миллион икки юз эллик саккиз минг икки юз олти миш етти сўм.

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Пахта толасини ЎзРТХБ орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ**

2008 йил 30 июндаги 804131-сонли шартномага

2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли

ҲИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА

Юклавб жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ХАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Сотиб олувчи: ТАШ.БУМ, Ф-КА ГПО «ДАВЛАТ БЕЛГИСИ»

Манзил: 111104 Тош.вил.Тош.р/н Ю-Абад

Телефон: 124-94-77, 124-52-80

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 21596000800447895001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

Тошкент ш. МБ ҲҚМ ББ

МФО 00014

СТИР 201689900

ХХТУТ 15310

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Микдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи преЙскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. огирлиги				ставкаси	суммаси		
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклаб жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-преЙскурант қиймат орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									100772011,34
Жами тўлашга:	Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент									
	Юз миллион етти юз етмиш икки минг ўн бир сўм 34 тийин									

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Товарни олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

**Пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали республика корхоналарига реализация қилишда «Пахтасаноат» ҚАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ**

**2008 йил 30 июндаги 804131-сонли шартномага
2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклаб жўнатиш санаси 07.07.08
Курс 1310.91
Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ҚАБ
Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўч., 8
Телефон: 253-05-71
Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001
Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001
Тош. вил. Пахта Банк бошқ.
МФО 00454
СТИР 200625964
ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс
Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75
Телефон: 68-72-41
Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001
Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:
ЎзР ТИФ МБ Мирзо-Улугбек фил.
МФО 00895
СТИР 201281871
ХХТУТ 72100

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. огирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прејскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	20%	14600246,12	87601476,73	87601476,73

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари						415845,83	20%	83169,17	499015,00	499015,00
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06
Юклаб жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										10981320,07
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									100772011,34
Жами тўлашга:	Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент									
	Юз миллион етти юз етмиш икки минг ўн бир сўм 34 тийин									

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Товарни олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика
корхоналарига реализация қилишда қўшилган
қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс
эйтириш тартиби тўғрисидаги низомга
26-ИЛОВА

Пахта толасини республика корхоналарига реализация
қилишда ТИАИСВ компаниялари томонидан
ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ

20__йил «__» _____ даги ____-сонли товар юклаб
жўнатиш ҳужжатига

20__йил «__» _____ даги _____-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс
Манзил:
Телефон:
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
МФО
шаҳар (туман) _____
Етказиб берувчининг идентификация рақами
(СТИР)
ХХТУТ бўйича код _____

Сотиб олувчи: республика корхонаси
Манзил:
Телефон:
Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:
МФО
шаҳар (туман) _____
Сотиб олувчининг идентификация рақами
(СТИР)
ХХТУТ бўйича код _____

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги нархи	Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда қиймати (сўм)
					став- каси	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8
1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1328,23 АҚШ долл.	х	х	х	664 115,00 АҚШ долл.
«Пахтасаноат» ҲАБнинг 20__ й. «__» _____ даги ____-сонли ҳисобварақ-фактураси асосида нетто оғирлик бўйича қайта ҳисоб-китобдаги прејскурант нарх бўйича							
2. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	1	1 тоннага 956 583,33 сўм	1 тоннага 956 583,33 сўм	20%	1 тоннага 191 316,67 сўм	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејскурант нархи 1 147 900 сўм
2.1. Пахта толаси, 5 тур, 1 нав, ўрта синф	тонна	500,0	1 тоннага ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда прејску- рант нархи 1 147 900 сўм	478 291 670 сўм	20%	95 658 330 сўм	573 950 000 сўм
2.2. «Пахта- саноат» ҲАБ мукофоти	%		Пахта толасини прејскурант нарх бўйича етказиб бериш қийматидан 1,5%	7 174 380 сўм	20%	1 434 870 сўм	8 609 250 сўм
3. Ўзмарказ- импекс мукофот ҳақи	%		Чел эл валютасидаги қийматидан 0,5%	3 182 220 сўм	20%	636 440 сўм	3 818,660 сўм = 664 115,00 АҚШ долл. х 0,5% х АҚШ долл. курс
Жами тўлашга				Олти юз олтимиш тўрт минг бир юз ўн беш АҚШ долл.			

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____
М. Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг масъул шахси имзоси)

Олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вакилнинг имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига
реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Пахта толасини ТИАИСВ компаниялари орқали экспортга реализация қилишда
«Пахтасаноат» ХАБ томонидан ҳисобварақ-фактурани тўлдириш
МИСОЛИ**

2008 йил 30 июндаги 804131-сонли хабарномага

**2008 йил 7 июлдаги 1106/301-214-сонли
ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА**

Юклаб жўнатиш санаси 07.07.08

Курс 1310.91

Етказиб берувчи: Тошпахтасаноат ХАБ

Манзил: Тошкент ш., У. Носир қўч., 8

Телефон: 253-05-71

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000200132912001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210840300132912001

Тош. вил. Пахта Банк бошқ.

МФО 00454

СТИР 200625964

ХХТУТ 19900

Етказиб берувчи: Ўзмарказимпекс

Манзил: 100077, Буюк Ипак Йўли-75

Телефон: 68-72-41

Ҳ-к ҳисобварақ рақами: 20210000100600099001

Валюта ҳ-к ҳисобварақ рақами:

ЎзР ТИФ МБ Мирзо-Улугбек фил.

МФО 00895

СТИР 201281871

ХХТУТ 72100

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларида	1 тонна учун ҚҚСиз улгуржи прейскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Пахта толаси қиймати АҚШ долл.	кг	48666,90		1579,55						76871,80
шу жумладан миллий валютада улгуржи-прейскурант нархда	кг		50289		1451634,17	73001230,61	0	0,00	73001230,61	73001230,61
Ташиш харажатлари						545869,68	20%	109173,94	655043,62	655043,62
«Сифат» харажатлари										
Қабул қилиш						202026,72	20%	40405,34	242432,06	242432,06

Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		1 тонна учун нарх АҚШ долларида	1 тонна учун ҚҚСсиз улгуржи прејскурант (ўртача) нархи	Маҳсулот қиймати	ҚҚС		ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот қиймати	Етказиб бериш қиймати
		нетто	кондиц. оғирлиги				ставкаси	суммаси		
Юклар жўнатиш						295597,06	20%	59119,41	354716,47	354716,47
Сақлаш										
Воситачилик ҳақи						365006,16	20%	73001,23	438007,39	438007,39
Жаҳон ва улгуржи-прејскурант қиймат орасидаги фарқ										499015,00
Жами:	АҚШ долл.									76871,80
Жами:	сўм									75190445,15
Жами тўлашга:	Етмиш олти минг саккиз юз етмиш бир доллар 80 цент									

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

М.Ў.

Товарни бердим _____
(етказиб берувчининг маъсул шахси имзоси)

Товарни олдим _____
(сотиб олувчи ёки ваколатли вақилининг имзоси)

20__ йил «__» _____ даги
_____-сонли ишончнома бўйича

(товар олувчининг Ф.И.Ш.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

**308 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳ-
номаларини бериш ва авиация ходимларининг тур-
лари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига
(ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-4*

(2009 йил 6 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎРАҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 май,
56-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

309 **Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975*

(2009 йил 6 июлдан кучга киради)

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 апрель,
42-сон

Молия вазирининг
2009 йил 7 апрелдаги 42-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) мувофиқ актуар хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Актуар хизматлари мустақиллик, холислик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

2. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:
актуарий — актуарий малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

актуар ташкилот — актуар хизматларини кўрсатувчи ва ўз штатида камида битта актуарийга эга бўлган юридик шахс;

актуар текшируви — амалга оширилаётган суғурта ва инвестиция операцияларининг хавфлилик даражасини аниқлаш, шунингдек суғурталовчининг молиявий ҳолатини баҳолаш мақсадида суғурталовчининг суғурта ва молиявий фаолияти кўрсаткичларининг таҳлилининг ўз ичига оловчи актуар хизматлари мажмуаси;

актуар кузатуви — суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, такрорийлик ва зарар етказилиш оқибатларининг оғирлик даражасини аниқлаш, суғурта захира-ларини ҳисоб-китоб қилиш, суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатлар ҳажмини аниқлаш, суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш, суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини белгилаш, инвестиция фаолияти натижаларини баҳолаш, даромадларни суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш ва бошқа актуар хизматларини кўрсатишни ўзи ичига оловчи актуар хизматлари мажмуаси.

3. Суғурталовчилар йилига бир марта — ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой давомида молия йилидаги фаолият якунлари бўйича актуар ташкилотни актуар текширувини амалга ошириш учун жалб этишлари шарт.

Актуар текширувини амалга ошириш натижалари бўйича актуар ташкилот томонидан актуар ҳисоботи тузилади ва қуйидаги саволлар бўйича актуар хулосаси чиқарилади:

амалга оширилаётган суғурта операцияларининг хавфлилик даражаси;
амалга оширилаётган инвестиция операцияларининг хавфлилик даражаси;
суғурталовчининг молиявий ҳолати.

4. Актуар текшируви ўтказилаётганда актуар хизматларини мустақиллик ва ҳолислик принциплари асосида кўрсатилишини таъминлаш учун қуйидаги шартларга риоя этилиши лозим:

актуар хизматларини кўрсатиш учун актуар ташкилотни жалб этаётган суғурталовчи ушбу актуар ташкилотнинг мулкдори, муассиси (акциядори) бўлмаслиги лозим;

суғурталовчига актуар хизматларини бевосита кўрсатувчи актуарий ушбу суғурталовчининг ходими бўлмаслиги ёки ушбу суғурталовчининг мулкдори, муассиси (акциядори), раҳбари билан яқин қариндош (ота-она, эр-хотин, ака-укалар, опа-сингиллар ва болалар, шунингдек эрнинг-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари) бўлмаслиги лозим.

5. Актуар текшируви мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган шартлар бузилган ҳолда ўтказилганда, актуар текширувини амалга ошириш натижалари бўйича тузилган (чиқарилган) актуар ҳисоботи (актуар хулосаси) ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

6. Актуар текширувини амалга ошириш шартномасининг тарафи томонидан мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳолатлар бошқа тарафдан

яширилганда ушбу ҳолатларни яширган тараф бошқа тарафнинг шартномани тузиш ва ижро этиш билан боғлиқ барча харажатларини қоплаб беради.

7. Актуар ташкилот айнан бир суғурталовчида кетма-кет уч йилдан ортиқ актуар текширувини амалга оширишга ҳақли эмас.

8. Актуар кузатуви суғурталовчининг хоҳиш-истагига кўра амалга оширилади.

Актуар кузатуви ўтказилаётганда кўрсатиладиган актуар хизматларининг турлари ва ҳажмлари суғурталовчи томонидан белгиланади.

Актуар кузатувини ўтказиш натижалари бўйича актуар ташкилот томонидан актуар ҳисоботи тузилади ва актуар хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган саволлар бўйича актуар хулосаси чиқарилади.

9. Актуар ташкилотнинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Актуар хизматларининг мустақиллик ва ҳолислик принциплари асосида кўрсатилишига тўсқинлик қилиш мақсадида актуарий, актуар ташкилот ва унинг ходимларига ҳар қандай шаклдаги таъсир ўтказиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка олиб келади.

II. Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартлари

10. Актуар хизматлари суғурталовчи ва актуар ташкилот ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида ва унга мувофиқ кўрсатилади. Бунда актуар текширувини ва актуар кузатувини битта шартнома доирасида кўрсатишга йўл қўйилмайди.

11. Актуар хизматларини кўрсатиш шартномаси қуйидаги муҳим шартларни назарда тутиши лозим:

актуар хизматларининг турлари ва ҳажмлари (шу жумладан, актуар хулосаси чиқарилиши лозим бўлган саволлар, шундайлар мавжуд бўлганда), шунингдек қиймати. Бунда актуар хизматлари ҳар бир турининг қиймати алоҳида кўрсатилади;

актуар хизматларини кўрсатиш муддати;

ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликдаги жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

тарафларнинг реквизиитлари;

шартнома тузилган сана ва жой.

12. Актуар хизматларини кўрсатиш шартномасининг тарафлари қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

а) суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар ташкилотдан актуар хизматларини бевосита кўрсатадиган актуарийнинг малака сертификатини танишиб чиқиш учун тақдим этишини талаб этиш;

актуар хизматларини кўрсатиш натижалари бўйича актуар ҳисоботи ва актуар хулосасини олиш;

актуар ташкилотдан актуар хизматларини кўрсатиш давомида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар олиш;

суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

актуарийга актуар хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотни у талаб қилаётган тартибда ва ҳажмда тақдим этиш;

актуарийга (актуар ташкилотга) актуар хизматларининг мустақиллик ва холислик принциплари асосида кўрсатилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ёки вужудга келганлиги тўғрисида хабар бериш;

б) актуар ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар ҳисоб-китобларнинг усулларини мустақил белгилаш;

суғурталовчидан актуар хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини сўраш, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ҳамда қўшимча маълумотларни олиш;

актуар ташкилот қуйидагиларга мажбур:

актуар хизматларининг мустақиллик ва холислик тамойиллари асосида кўрсатилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар вужудга келганда, актуар хизматларини кўрсатиш имконияти йўқлиги тўғрисида суғурталовчига хабар бериш;

актуар хизматларини кўрсатиш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

суғурталовчининг талабига кўра бевосита актуар хизматларини кўрсатадиган актуарийнинг малака сертификатини танишиб чиқиш учун тақдим этиш;

актуар хизматларини кўрсатиш давомида суғурталовчидан олинган махфий ахборотни тарқатмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Актуар хизматларини кўрсатиш шартномасининг тарафлари шартнома шартларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

13. Актуар ташкилот актуар хизматларини сифатли ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида суғурталовчига етказган зарар учун суғурталовчи олдида жавобгардир.

Суғурталовчи томонидан тўлиқ бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилиши оқибатида актуар ташкилот актуар хизматларини сифатли ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида суғурталовчига етказган зарар учун суғурталовчи олдида жавобгар бўлмайди.

III. Актуар ҳисоботи

14. Актуар ҳисоботи икки нусхада тузилади (суғурталовчи ва актуар ташкилот учун биттадан), актуар хизматларини бевосита кўрсатган актуарий томонидан имзоланади, актуар ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланади ва ушбу ташкилотнинг мухри билан тасдиқланади. Актуар ҳисобо-

тининг варақлари рақамланган, тикилган ва актуар ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

15. Актуар ҳисоботидаги маълумот махфийдир.

16. Актуар ҳисоботи суғурталовчига актуар хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган актуар хизматларини кўрсатиш муддати тугаганидан кейин 10 иш куни давомида тақдим этилади.

17. Актуар ҳисоботида актуар хизматларини кўрсатишнинг бориши, аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар, шунингдек актуар хизматларини кўрсатиш натижасида олинган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

18. Актуар ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ҳисоботнинг номи, тузилган санаси ва жойи;

кириш қисми;

таҳлилий қисми;

якуний қисми.

19. Актуар ҳисоботининг кириш қисмида актуар ташкилотнинг (шу жумладан, бевосита актуар хизматларини кўрсатган актуарийнинг фамилияси, исми, отасининг исми, малака сертификатининг серияси, рақами ва берилган санаси) ва суғурталовчининг (шу жумладан, суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг серияси, рақами ва берилган санаси) реквизитлари, шунингдек актуар хизматларини кўрсатишнинг асоси ва суғурталовчи фаолиятининг умумий тавсифи баён этилади.

20. Актуар ҳисоботининг кириш қисмида қуйидагилар баён этилади:

актуар хизматларини кўрсатишнинг бориши тавсифи ва умумий натижалари;

актуар хизматларини кўрсатиш учун суғурталовчи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тавсифи;

суғурталовчи молиявий йил бошига молиявий ҳолатининг базавий тавсифи, суғурталовчи томонидан олдинги актуар хизматларини кўрсатиш натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган чоралар (актуар текшируви амалга оширилганда);

молиявий йил давомида амалга оширилган суғурта операцияларининг таҳлили, таваккалчилик сиёсатини, ушлаб қолиш сиёсатини, захираларни шакллантириш сиёсатини, тариф сиёсатини баҳолаш, суғурталовчи томонидан мажбуриятларни бажара олмаслик эҳтимолини олиб борилаётган суғурта операцияларининг таваккалчилик ўлчови сифатида баҳолаш (актуар текшируви амалга оширилганда);

молиявий йил давомида амалга оширилган инвестиция операцияларининг, инвестиция портфелининг диверсификацияси, қайтарилиши, фойдалилиги ва ликвидлигининг таҳлили, умумий инвестиция портфелида захираларнинг (ажратилган активларнинг) ҳолати (диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига мувофиқ келган ҳолда) (актуар текшируви амалга оширилганда);

таҳлил, баҳолаш ва ҳисоб-китобнинг бошқа турлари;

актуар хизматларини кўрсатиш натижасида аниқланган хато ва камчиликлар, шундайлар мавжуд бўлганда;

актуарий ихтиёрига кўра бошқа ахборот.

21. Актуар ҳисоботининг якуний қисмида актуарийнинг хулосалари, маслаҳатлари ва таклифлари баён этилади (шу жумладан, актуар текшируви амалга оширилганда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича, амалга оширилаётган суғурта ва инвестиция операцияларининг самарадорлигини ошириш, суғурталовчининг умумий молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича маслаҳатлари ва таклифлари).

22. Актуар ҳисоботи бир-бирини истисно этувчи, бир-бирига зид бўлган ва янглиштирувчи фактларни, маълумотларни, хулосаларни ва уларнинг ҳар хил талқинларини ўз ичига олмаслиги лозим.

23. Била туриб ёлгон актуар ҳисоботларини тузиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Актуар хизматларини кўрсатиш давомида актуарий томонидан олинган суғурталовчи ҳужжатларининг мазмунига мос келмайдиган актуар ҳисоботи била туриб ёлгон тузилган ҳисобланади.

24. Актуар ҳисоботлари 5 йил давомида сақланади.

III. Актуар хулосаси

25. Актуар хулосаси икки нусхада тузилади (суғурталовчи ва актуар ташкилот учун биттадан), актуар хизматларини бевосита кўрсатган актуарий томонидан имзоланади, актуар ташкилот раҳбари томонидан имзоланади ва ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади. Актуар хулосасининг varaқлари рақамланган, тикилган ва актуар ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

26. Актуар хулосасининг тегишли нусхаси ва актуар ташкилот томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси актуар ташкилот томонидан тегишлича суғурталовчига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясига (бундан буён матнда Давсуғуртаназорат деб юритилади) актуар хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган актуар хизматларини кўрсатиш муддати тугаганидан кейин 10 иш куни давомида тақдим этилади.

27. Актуар хулосасини чиқариш учун зарур бўлган маълумотлар суғурталовчи томонидан тақдим этилмаганлиги оқибатида актуар текширувини амалга ошириш натижалари бўйича актуар хулосасини чиқариш имконияти бўлмаган тақдирда, актуар ташкилот энг қисқа, аммо актуар хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган актуар хизматларини кўрсатиш муддати тугаганидан кейин 3 иш кунидан кечиктирмасдан Давсуғуртаназоратга актуар хулосасини чиқариш имконияти бўлмаганлигининг сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома тақдим этади.

28. Актуар хулосасида актуар хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган саволлар юзасидан актуарийнинг фикри акс эттирилади.

29. Актуар хулосаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

актуар хулосасининг номи, чиқарилган санаси ва жойи;
кириш қисми;
констатация қисми;
якуний қисми.

30. Актуар хулосасининг кириш қисмида актуар ташкилот (шунингдек, актуар хизматларини бевосита кўрсатган актуарийнинг фамилияси, исми, отасининг исми, актуарий малака сертификатининг рақами ва берилган санаси) ва суғурталовчининг (шунингдек, суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия рақами, серияси ва берилган санаси) реквизитлари акс эттирилади.

31. Актуар хулосасининг констатация қисмида қуйидагилар баён этилади:

актуар хулосаси чиқарилаётган саволлар;
актуарий фикрини тасдиқловчи суғурталовчи фаолиятининг кўрсаткичлари;

аниқланган хато ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар, шундайлар мавжуд бўлган тақдирда.

32. Актуар хулосасининг якуний қисмида кўрилаётган саволлар бўйича актуарийнинг фикри аниқ кўрсатилиши лозим.

33. Актуар хулосаси бир-бирини истисно этувчи, бир-бирига зид бўлган ва янглиштирувчи фактларни, маълумотларни, хулосаларни ва уларнинг ҳар хил талқинларини ўз ичига олмаслиги лозим.

34. Била туриб ёлгон актуар хулосаларини тузиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Актуар хизматларини кўрсатиш давомида актуарий томонидан олинган суғурталовчи ҳужжатларининг мазмунига мос келмайдиган актуар хулосаси била туриб ёлгон тузилган ҳисобланади.

35. Актуар хулосалари 5 йил давомида сақланади.

V. Якуний қоидалар

36. Актуар хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш ва ижро этиш жараёнида юзага келадиган барча баҳс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилиши, келишувга эришилмаган тақдирда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши лозим.

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

310 Дори-дармонларни сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1976*

(2009 йил 6 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Дори-дармонларни сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
25/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 2 июндаги 25/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Дори-дармонларни сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ дорихона муассасалари ва омборхоналарда (бундан кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) дори-дармонларни (бундан кейинги ўринларда дори воситалари деб юритилади) сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, дори воситалари сақланадиган барча муассасаларнинг ходимлари (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

2. Мазкур Қоидаларга мувофиқ дори воситалари деганда, келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялари) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар тушунилади. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари кирази.

3. Мазкур Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари, давлат стандартларининг тегишли қоидалари, шунингдек бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Дори воситаларини сақлаш бўйича меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати, бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Дори воситаларини сақлаш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши.

6. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи муассасаларда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади (лавозимлари очилади). Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш унинг раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра муассасаларнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда муассаса фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

8. Дори воситаларини сақлаш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

9. Муассасаларнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимлари синовдан ўтказилиши лозим.

10. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалардан ўтказиш, ўқитиш ва билимларини текшириш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги Намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

11. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш муассаса раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Касбий танлов

12. Муассасаларда касбига кўра танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

13. Дори воситаларини сақлаш ишларига тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

4-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

14. Муассаса маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

15. Муассасаларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбе-

кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.

Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

16. Тиббий кўриклар муассасанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

17. Муассаса маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

18. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик муассаса маъмурияти зиммасига юкланади.

19. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

20. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, муассаса маъмурияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

5-§. Дори воситаларини сақлашда хавфли ва зарарли омиллар

21. Муассасаларда дори воситаларини сақлашнинг аниқ шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва зарарли омиллар ҳамда уларнинг таъсирини камайтириш ёки уларни тўлиқ бартараф этишнинг рўйхати мавжуд бўлиши керак.

22. Дори воситаларини сақлашда ходимларнинг соғлиғига хавфли ва зарарли омилларнинг қуйидаги гуруҳлари таъсир этиши мумкин:

а) жисмоний хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

ҳаракатланувчи машиналар ва механизмлар;

иш зонасининг ҳавосидаги микдори юқори бўлган чанг ва газ;

ускуналар ва материалларнинг ҳарорати юқори ёки паст бўлган юзаси;

иш зонасининг ҳарорати юқори ёки паст бўлган ҳавоси;

табiiй ёруғлик мавжуд эмаслиги.

б) кимёвий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

нафас олиш йўллари ва тери қопламаси орқали таъсир этувчи зарарли суюқ, қаттиқ, буғсимон моддалар ва аэрозоллар;

нафас олиш йўллари, тери қопламаси ва кўзга таъсир этувчи ўювчи суюқ, қаттиқ ва буғсимон моддалар.

в) психофизиологик зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

сезги органларининг ҳаддан ташқари зўриқиши;

меҳнатни ҳамиша бир хиллиги.

23. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналари жорий қилинганда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

6-§. Ходимларнинг жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари

24. Муассаса ходимларига хавфли ва зарарли омилларнинг таъсирини камайтириш ёки уларни бартараф этиш учун жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим.

25. Жамоавий ҳимоя воситалари жумласига қуйидагилар киради:

дори воситаларини сақлаш хоналари (бундан кейинги ўринларда сақлаш хоналари деб юритилади) ва иш жойларининг ҳаво муҳитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

сақлаш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини меъёрлаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

электр токи уриши ва статик электрдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

Муассаса раҳбари ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

26. Иш вақтида муассаса ходимлари уларга берилган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларидан фойдаланишлари шарт.

27. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини ишлатиш муддати ходимларга берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

28. Муассаса раҳбари ходимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, белгиланган ишлатиш муддати тугамасдан илгари яроқсиз ҳолга келган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини алмаштириши ёки таъмирлаши шарт.

7-§. Дори воситаларини сақлашда санитария ва гигиена талаблари

29. Дори воситаларини сақлаш хоналарида сақлашда рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, иш жойларидаги

ортикча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси ва йил мавсуми ҳисобга олиниши лозим.

30. Санитария-маиший хоналар ва сақлаш хоналари қуйидаги санитария режими қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

хоналарнинг электр ёруғи ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойиҳалаштириш меъёрлари» талабларига жавоб бериши;

электр токининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электрхавфсизлик. Умумий талаблар»га жавоб бериши;

статик электрдан ҳимоя қилиш тадбирларини ГОСТ 12.1.18-93 ССБТ «Статик электр. Учқун хавфсизлиги. Умумий талаблар»га мувофиқ амалга оширилиши.

8-§. Маиший ва қўшимча хоналарга қўйиладиган талаблар

31. Муассасаларда ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» ва СанҚваМ 0152-04 «Дорихона ва дори воситалари сақланадиган омборхоналарни тузилиши, жиҳозланиши ва ишлатилиши» талабларига мувофиқ қуйидаги маиший ва қўшимча хоналар бўлиши керак:

ходимларнинг иш ва шахсий кийимлари учун алоҳида шкафлар билан жиҳозланган кийиниш хонаси;

ҳожатхона (қўл ювиш жиҳози билан);

ювиниш хонаси (душхона);

ходимларни овқатланиш ва дам олиш хонаси.

Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Кийиниш хоналари, ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

32. Кийиниш хоналари ва душхоналарнинг ўлчамлари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони ходимларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

33. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва зарарсизлантирувчи моддалар (хлорамин, хлорли оҳак ва бошқалар) билан тозаланиб турилиши керак.

34. Ҳожатхоналарнинг поллари қуруқ ҳолда сақланиши лозим. Ювиниш хоналарининг поллари намга чидамли бўлиб, сирпанчик бўлмаслиги керак, девор сиртлари эса 2,5 метр баландликда намга чидамли, енгил артиб туриш мумкин бўлган материаллар билан қопланган бўлиши керак.

35. Ҳар бир ювиниш жиҳози иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурларга уланган бўлиши лозим. Ювиниш хоналарида электр сочиқлар, кўзгу, кийим

илгичлар, суюқ совун учун идишлар ва қаттиқ совун солгичлар кўзда тутилиши лозим.

36. Майший ва қўшимча хоналар оқиб келувчи ва сўрувчи вентиляция воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

9-§. Сақлаш хоналарига қўйиладиган талаблар

37. Муассасаларнинг бинолари, сақлаш хоналарини сони, майдон ўлчамлари, жойлашиши ва жиҳозланиши СанҚваМ 0152-04 «Дорихона ва дори воситалари сақланадиган омборхоналарни тузилиши, жиҳозланиши ва ишлатилиши», ҚМҚ 2.08.02-96 «Умумий бинолар ва иншоотлар» ва ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

38. Сақлаш хоналарида ҳаво ҳарорати ва намлиги бир кунда камида 1 марта текшириб турилиши лозим. Бу ўлчовларни текшириш учун термометр ва гигрометрлар сақлаш хоналарининг деворларига иситиш ускуналаридан узоқда, полдан 1,5 — 1.7 метр баландликда ва эшикдан 3 метрдан кам бўлмаган ораликда ўрнатилиши керак.

39. Ҳар бир бўлимда хонадаги ҳарорат ва намлик даражасини қайд этиш жадвали юритилиши керак.

40. Хона ҳавосининг тозалигини таъминлаш учун ҳаво бериш ва тортиш вентиляция ускунаси билан жиҳозланган бўлиши керак. Агар ҳаво бериш ва тортиш вентиляция ускунасини ўрнатиш иложи бўлмаса, деразаларга дарчалар ва иккинчи панжарали эшиклар ўрнатилиши керак.

41. Сақлаш хоналари етарли микдорда жавон(стеллаж)лар, шкафлар, тагликлар билан таъминланиши керак.

42. Жавонлар девордан 0,15 — 0,20 метр ораликда, шифтдан камида 0,5 метр паст, полдан камида 0,25 метр баланд ва уларни ораси камида 0,75 метр бўлган масофаларда ўрнатилиши лозим.

43. Сақлаш хоналари тоза тутилиши керак, хона поллари вақти-вақти билан (қунига камида бир маротаба) рухсат этилган ювиш воситаси билан намлаб тозаланиши керак.

44. Сақлаш хоналарида ва унинг ҳудудларида кемирувчилар, ҳашоратлар ва бошқа зараркунандаларга қарши кураш бўйича тадбирлар ўтказиб турилиши керак.

45. Сақлаш хоналарида шахсий буюмлар, материаллар ва кийимлар сақлаш ман этилади.

46. Дори воситалари сақланадиган бинонинг майдончалари, пол ва зинапоялари тоза тутилиши, шунингдек мойлар, эритиладиган суюқликлар ва бошқа моддалардан сирпанчиқ юзалар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак.

47. Деворда, шифтда, полларнинг юзаларида нотекисликлар бўлмаслиги ва уларни тозалаш ишларини олиб бориш учун қулай бўлиши керак.

48. Сақлаш хоналари жойлашган бинонинг томи ўз вақтида таъмирланган бўлиши керак.

49. Дераза панжараларини ўрнатишда уларни артиш ва ташқи юзини хонадан туриб таъмирлаш ҳисобга олиниши керак.

50. Хоналарнинг поли сув ўтказмайдиган, кучли моддалар таъсирига чидамли қилиб ишланиши керак. Полларнинг юзи текис ва сирпанмайдиган, тозалашга қулай бўлиши керак. Полларда ўйилган жойлар, тешиклар, нотекисликлар, қувурлар тармоғи ва бошқалар бўлмаслиги керак.

51. Полдаги коммуникация ариқчалари металл плиткалар билан полнинг юзаси текислигида ёпиб қўйилиши керак.

52. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш хоналарига қўйиладиган техник талаблар Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар ҳақидаги низом (рўйхат рақами 1048, 2001 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 13-сон) талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

III. Дори воситаларини сақлашда хавфсизлик талаблари

I-боб. Дори воситаларини сақлашнинг умумий хавфсизлик талаблари

53. Дори воситаларини сақлаш хоналарига жойлаштиришда фармакологик тартиб ҳисобга олиниши лозим.

54. Сақлаш жараёнида бир ойда камида бир марта идишларнинг аҳволи, дори воситалари ташқи кўринишидаги ўзгаришлар кўздан кечирилиши лозим. Идишлар зарарланган бўлса, дарҳол уларнинг нуксонларини барта раф этиш ёки унинг ичидаги дорини бошқа идишга солиш керак. Дори воситаларининг ташқи кўриниши ўзгарган бўлса белгиланган тартибда уларнинг сифати текширилади ва ишлатишга яроқлилиги аниқланади.

55. Сақлаш хоналаридаги товар-моддий бойликлар турларига кўра сақланиши керак, бунда тез алангаланадиган суюқликларнинг бошқа материаллар билан биргаликда сақланишига йўл қўйилмайди.

56. Барча тайёр дори воситалари устига ёрлиқ ёпиштирилиши, ўзига хос алоҳида ўрамга жойланиши ва беркитиб маҳкамланиши керак. Жавонларда, токчаларда ва шкафларда дориларнинг номлари, серияси, сақлаш муддати ҳамда миқдори кўрсатилган варақчалар бўлиши лозим. Варақча сотиш учун ҳар бир келиб тушган янги сериядаги дори воситалари учун янгиланиб туради. Бундан ташқари, бўлимда сақлаш муддатлари бўйича картотека бўлиши лозим. Сақлаш муддати ўтиб кетган ва қайта назоратдан ўтказилиши лозим бўлган препаратлар, таҳлил натижалари олингунга қадар бошқаларидан ажратилиб, алоҳида сақланиши лозим.

57. Сақлаш хоналарида дори воситалари қуйидаги тартибда алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштирилади:

- фармакологик группасига кўра;
- қўлланиш усулига (ички, сиртки) кўра;

агрегат ҳолатига (суюқлик, сочилувчи ва газ ҳолатида) кўра;
дори воситаларининг физик ва кимёвий хусусиятлари ва ташқи муҳит-нинг ҳар хил омиллари таъсирига кўра.

58. Номлари бир-бирига ўхшаш дори воситаларини ва ичиладиган доза-си катта фарқ қиладиган дори воситаларини ёнма-ён қўйиб жойлаштириш ман этилади.

59. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1090, 2001 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 23-24-сон) талабларига мувофиқ сақланади.

II-боб. Дори воситаларини сақлашда ёнғин хавфсизлиги талаблари

60. Муассаса ҳудудида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва сақлаш хоналарида ёнғинни ўчириш воситалари ва ускуналари бўлиши керак.

61. Ёнғин ўчириш воситалари ва ускуналари (ўт ўчирадиган асбоблар, сувли бочка, қумли қутилар ва кураклар, шунингдек ички ёнғин ўчириш кранлари) тайёр ҳолатда бўлиши лозим. Ички ёнғин ўчириш кранларининг шкафлари ёпиқ ва тамғаланган бўлиши лозим. Ушбу шкафларнинг эшикларини қулфлаб қўйиш тақиқланади.

62. Бирламчи ёнғин ўчириш асбобларидан ёнғин ўчириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилади.

63. Сақлаш хоналарида «Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул шахс: Ф.И.О.» деб ёзилган лавҳа бўлиши керак. Бу масъул ходим муассаса маъмуриятининг буйруғи билан тайинланган бўлиши керак.

64. Иш вақти тугагандан кейин ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул ходим хоналарни синчковлик билан кўриб чиқиши, ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган барча камчиликларни бартараф этиб, ёритиш ва бошқа электр жиҳозларини (музлатгичдан ташқари) ўчириб қўйиш керак.

65. Сақлаш хоналари иситиш тармоғи билан жиҳозланиши керак. Хоналарни очиқ алангали газ жиҳозлари ва очиқ спиралли электр иситиш жиҳозлари билан иситиш тақиқланади.

66. Сақлаш хоналари кўриклаш ва ёнғинни зудликда сезувчи ҳамда хабар берувчи мосламалар билан жиҳозланиши керак.

67. Муассаса биноларида инсонларни ва моддий бойликларни қутқариш мақсадида қўшимча чиқиш йўллари мавжуд бўлиши керак.

68. Ёнғин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда инсонларни ва моддий бойликларни қутқариш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиши ҳамда кўринарли жойларга осиб қўйилган бўлиши лозим.

69. Машиналар ўтадиган йўллар, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларига олиб борадиган йўллар, йўлақлар, зиналар ва бошқа қутқариш йўлларини ҳар хил буюмлар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

70. Қутқариш йўлларининг тузилиши одамларни ташқарига тез чиқишини таъминлайдиган бўлиши керак. Асосий меҳнат ва қутқариш йўллари ҳар доим очиқ бўлиши лозим. Асосий ўтиш жойларининг кенглиги 1,5 метрдан кичик бўлмаслиги керак.

71. Чекиш учун «Чекиш жойи» деб ёзилган махсус жойлар ажратилган бўлиши ва сигарет қолдиқлари учун кулдонлар билан таъминланган бўлиши керак.

72. Муассасалар бинолари ёнғин ўчириш учун сув билан таъминланган бўлиши керак. Ёнғинга қарши водопровод бўлмаган ҳолларда сув таъминоти табиий қўлдан ёки сифими камида 50 м³ бўлган сунъий ҳовузлар орқали амалга ошириладиган бўлиши керак.

73. Биноларда электр-газ пайвандлаш ва бошқа ёнғин чиқариш хавфи бўлган ишларни фақат муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма рухсати билан амалга оширишга йўл қўйилади.

74. Ёнғин содир бўлганда зудлик билан «01» телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар бериб, улар келгунга қадар электр тармоқларини ўчириб, имконият борица инсонларни ва моддий бойликларни ёнғиндан сақлаб қолишга ва ёнғин ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилиш лозим.

III-боб. Ёнғин чиқарадиган ва портлайдиган дори воситаларини сақлашда хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

75. Ёнғин чиқарадиган ва портлайдиган дори воситаларини (бундан кейинги ўринларда ЁЧПДВ деб юритилади) физик, кимёвий ва ёнғин чиқариш хусусиятларини ўхшашлиги ҳамда улар ёнганда қўлланадиган ўчириш воситаларини бир хиллигини ҳисобга олган ҳолда сақлаш керак.

76. Портловчи аралашмага айланишга қодир, ҳаво, сув ва ёнувчи моддалар билан қўшилганда ёки қуёш нури таъсирида ёниб кетувчи дори воситаларини ҳаво, сув, юқори иссиқлик ва механик таъсирлардан эҳтиёт қилган ҳолда сақлаш керак.

77. ЁЧПДВни сақлаш хоналари ва юк туширадиган жойларнинг полларида чуқурчалар ва бошқа нотекисликлар бўлмаган қаттиқ ва текис қоплама бўлиши керак. Полларни текислаш учун тахта ва тунукалар қўллаш мумкин эмас. ЁЧПДВни сақлаш хоналаридаги пол эшикдан ичкари тарафга қия қилиб цемент қилинган бўлиши ва эшикни катта бўлмаган баландликдаги остонаси бўлиши керак.

78. ЁЧПДВни сақлаш хоналари керакли оғирликларни кўтара оладиган, ёнмайдиган ва мустаҳкам жавон билан жиҳозланган бўлиши керак.

79. ЁЧПДВни иситиш жиҳозларини олдида сақлаш мумкин эмас. Жавон билан иситиш жиҳози орасидаги масофа 1 метрдан кичик бўлмаслиги керак.

80. ЁЧПДВни қабул қилиш, бериш ва қадоқлаш хоналари доим назорат остида бўлиши керак.

81. ЁЧПДВ келганда тезликда тақсимлаб, асосий сақлаш хоналарига жойлаштириш керак. Бахтсиз ходисанинг олдини олиш учун, қабул қилиш ва бериш хоналарида ЁЧПДВни қисқа муддатда ҳам сақлаш қатъиян ман қилинади. ЁЧПДВни қабул қилиб олаётганда, аввало ўзига хос сақлаш идишларининг беркитилганига эътибор бериш керак.

82. Бир хонада бир неча турдаги ЁЧПДВни бир вақтда қадоқлаш қатъиян ман қилинади.

83. Муассасаларда тез алангаланадиган ва ёнувчан суюқликларни сақлаш учун эшикларининг эни 0,7 метр, бўйи 1,2 метрдан кам бўлмаган, ёнмайдиган шкафлардан фойдаланишга рухсат этилади.

84. Сақлаш хоналарининг қадоқлаш бўлимларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, фақат кундалик ишлатиладиган, керакли миқдордаги ЁЧПДВни сақлаш мумкин. Иш тугагандан кейин ЁЧПДВ асосий сақлаш жойига қайтариб қўйилади. Ҳар бир дори воситаси тури қадоқлангандан кейин қадоқлаш хонаси шамоллатилади.

85. ЁЧПДВни кислота ва ишқорлар билан бирга сақлаш қатъиян ман этилади.

86. ЁЧПДВни очиқ идишда сақлаш мумкин эмас. ЁЧПДВни девори қалин идишларда сақлаш лозим.

87. ЁЧПДВ билан ишлайдиган ходимлар махсус кийим ва махсус-пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминланиши керак.

88. ЁЧПДВ сақлаш хоналарининг ташқи ва ички тарафларида ювса кетмайдиган ва яққол кўринадиган «Ёнғин хавфи бор», «Чекиш мумкин эмас» ва «Ёнғин чиққанда 01 га телефон қил» огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгилари бўлиши керак.

89. Ҳар қандай авария ҳолатида дарҳол раҳбарга хабар бериш, шикастлантириш омилларининг одамларга таъсири ва авария ҳолати кучаймаслиги учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш керак.

90. Агар ишқор тўкилиб кетса, унга қум ёки қипиқ сепилади, кейин қумни олиб ташлаб хлорид ёки сирка кислотаси аралашмалари қуйилиши керак.

91. Агар кислота тўкилиб кетса, унга қум сепилади, кейин қумни олиб ташлаб, сода сепилади, шундан сўнг сода олиб ташланиб, сув билан ювилади.

92. ЁЧПДВ сақлаш хоналарида ёритиш тармоғи бузилганда шам ёки керосин лампалар билан кириш мумкин эмас. Бу ҳолларда электр фонардан фойдаланиш керак.

93. Агар суюқ ёнғин чиқарадиган дори воситалари (бундан кейинги ўринларда ЁЧДВ деб юритилади) тўкилиб кетса:

дарҳол электр жиҳозлари ўчирилиши;

эшик ва ойналар очилиб, хона шамоллатилиши;

тўкилган суюқликни резина қўлқоп кийиб латта билан артиб олиниши ва латта, қўлқоп ювиб ташланиши лозим.

94. Агар суюқ ЁЧДВ ёниб кетса:

электр жиҳозлари ўчирилиши;

олов асбест полотно билан ёпилиши;

лозим бўлганда ёнғин ўчиргичдан фойдаланилиши;

спирт, пергидроль ва сувда эрийдиган бошқа суюқликлар сув қуйиб ўчирилиши керак.

2-§. ЁЧДВни сақлашда хавфсизлик талаблари

95. Ёнғин чиқарадиган ва тез ёнадиган дори воситалари минерал кислоталар, олтингугурт, эфир, спирт ва спирт қўшилмалари, спирт настойкаси, эфир экстрактлари, сирка кислотаси, калий, натрий, пергидроль, скипидар, коллодий, ўсимлик ёғлари, доривор ўсимликлар, пахта ва боғлаш материалларидан иборат.

96. ЁЧДВ сақлаш хоналаридаги электр сим, ёритиш ва бошқа электр жиҳозлари ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

97. Муассасаларда 10 кг дан кўп бўлмаган ЁЧДВни ёнмайдиган, эшигининг эни 0,7 метр, бўйи 1,2 метрдан кичик бўлмаган темир шкафларда сақлаш мумкин. Темир шкафлар иссиқлик таъсир қилмайдиган ва олдида бемалол бориш мумкин бўлган жойларга ўрнатилиши керак.

98. Бошқа соҳага тегишли иморатда жойлашган хоналарда ёпиқ идишдаги тез ёнадиган суюқликларнинг миқдори 100 кг дан ошмаслиги керак.

99. Тез ёнадиган суюқликлар миқдори 100 кг дан кўп бўлса, уларни алоҳида жойлашган бинода шиша ёки металл идишларда бошқа группадаги ЁЧДВни сақлаш хоналаридан ажратилган ҳолда сақлаш керак.

100. Муассасаларда концентранган минерал кислоталарни девори қалин шиша идишда, гипс ёпишиб турадиган шиша қопқоғи ёпилган ҳолда, ҳавони тортувчи шкафда, нураш(коррозия)га чидамли тагликларнинг устида сақлаш лозим.

101. ЁЧДВни иситиш керак бўлганда, ЁЧДВ солинган иссиққа чидамли идишни сув солинган катта идишга ёки спиралли ёпиқ электр плиткага қўйиб иситиш мумкин.

102. Тез ёнадиган суюқликлар (коллодий, этил спирти, скипидар, эфир ва бошқалар) буғланиб кетмаслиги учун зич тахланиб, маҳкам ёпилган шиша ёки металл идишларда сақлаш керак.

103. Тез ёнадиган суюқликлар солинган катта ҳажмдаги шиша идиш, бочка ва канистрлар бир қатор ва бир хил баландликда сақланади, уларни устма-уст қилиб тахлаш ман этилади.

104. Муассасаларнинг ишлаб чиқариш хоналарида ЁЧДВни бир кунга етарли миқдорда, идишларнинг қопқоғи ёпиқ ҳолда сақлаш керак.

105. ЁЧДВни идишларга тўлдирилган ҳолда сақлаш мумкин эмас. Идишларнинг тўлдирилиши 90 фоизли меъёрдан ошмаслиги керак.

106. ЁЧДВ билан ишлаётганда (қадоқлаш, ташиш, ортиш ва ҳоказо) юқори даражадаги эҳтиёткорликка амал қилиш керак. Идишларни зич ёпилганига ва бутунлигига доимо эътибор бериб бориш керак. Идишдан бирор бир нуқсон топилса тезда уни йўқотишга киришиш ёки унинг ичидагини бошқа бутун идишга ўтказиш керак. Полга суюқлик тўкилса, тезликда уни бартараф этиш чораларини кўриш керак.

107. Баъзи бир ЁЧДВ (спирт, эфир ва бошқалар) сақлаш мобайнида статик электр токи ҳосил қилади, унинг учқуни суюқликни ёндириб юбориши мумкин. Шунинг учун бундай суюқликларни қуйишни алоҳида, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланган хоналарда бажариш керак. Суюқликларни қуйиш ва қадоқлашда темир идишлар ерга уланган ҳимоя сими билан таъминланиши керак.

108. ЁЧДВ дан бўшаган идишларни маълум бир вақт очиқ қолдириш керак.

109. ЁЧДВни минерал кислоталар (айниқса сульфат ва азот кислоталар), сиқилган газлар ва тез ёнувчи моддалар (ўсимлик ёғлари, олтингургурт, доривор ўсимликлар, боғлаш материаллари) билан бирга сақлаш мумкин эмас.

110. ЁЧДВ солинган катта шиша идишларни махсус ясалган сават ёки мосламаларда икки киши бўлиб кўтариш керак. Оғирлиги 20 кг дан кўп бўлган шиша идиш солинган саватлар ва ЁЧДВ солинган бошқа идишларни юмшоқ юрадиган махсус араваларда ташиш керак.

111. Аммиакли сувни (нашатир спирт) ЁЧДВни сақлаш хоналарида сақлаш керак. Суюқ аммиакнинг буғи нафас олиш марказини ишдан чиқаради, идишни очаётганда ходим респиратор ёки противогаз билан ишлаши ва шериги уни ҳимоя қилиб туриши керак.

112. Сирка кислотасини ЁЧДВни сақлаш хоналарида, оксидловчи моддалардан алоҳида сақлаш керак. Тўйинган сирка кислотаси терини куйдиради, у билан ишлаганда эҳтиёт бўлиш керак.

113. Ўювчи натрий (гидрооксид натрий, каустик) ва ўювчи калийни (гидрооксид калий) ҳаво ва намлик ўтмайдиган, зич қилиб ёпилган идишда сақлаш керак. Калий ва натрий ҳавода ёниб кетиши сабабли, уни керосин остида сақлаш ва ёнганда кум билан ўчириш керак.

114. Этил спиртини ташиш ва сақлашда темир бочкалардан фойдаланиш ҳамда уларнинг тўлдирилиши 75 фоизли меъёрдан ошмаслиги керак. Бочкалар фақат мустаҳкам резбали темир қопқоқ билан резина прокладка қўйиб ёпилади. Бочканинг қопқоғини очиш ва ёпишда учқун чиқармайдиган, юмшоқ металлдан (мис) ясалган асбоблар ёки ёғоч болғалардан фойдаланиш керак.

115. Спиртни сақлаш хонаси ҳавони кучли оқим билан берадиган ва тортадиган вентиляция билан таъминланиши керак.

116. Спиртни сақлаш хонасига бошқа нарсаларни қўйиш ва бегона кишиларнинг кириши ман этилади.

3-§. Портлайдиган дори воситаларини сақлашда хавфсизлик талаблари

117. Портлайдиган дори воситалари (бундан кейинги ўринларда ПДВ деб юритилади) гуруҳига портлайдиган ва портлаш хавфи бўлган, яъни портловчи аралашмага айланиши мумкин бўлган дори воситалари киради.

Нитроглицерин, калий перманганат ва кумуш нитрат — ПДВ, хлорид кислотаси, эфир, кальций гидрохлорид ва азот кислотаси — портловчи аралашмага айланиши мумкин бўлган дори воситалари гуруҳига киради. ПДВни сақлашда портлашга олиб келадиган чанг билан ифлосланмаслик чораларини кўриш керак.

118. ПДВ солинган идишлар (штангласлар, тунука барабанлар, шиша идишлар ва ҳоказо) қопқоғини ҳаво ва буғ кирмаслиги учун зич қилиб ёпиш керак.

119. Нитроглицерин эритмасини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда салқин, қоронғи жойларда сақлаш керак.

120. Тўкилган нитроглицериннинг буғланиши портлаш хавфини туғдириши сабабли, улар билан ишлашда жуда эҳтиёткорлик талаб этилади.

121. Калий перманганат чанг, олтингугурт, органик ёғлар, эфир, спирт, глицерин, органик кислота ва бошқа органик моддалар билан қўшилганда портлаш хавфини туғдиради. Калий перманганатни омборхонанинг махсус жойларида тунука барабанларда, дорихоналарда эса юқорида кўрсатилган моддалардан алоҳида жипс ёпишиб турадиган қопқоқли штангласларда сақлаш керак. Калий перманганат солинган тунука барабан ва штангласларни ўз вақтида ишқаламасдан ва эҳтиёткорлик билан чангдан тозалаб туриш лозим.

122. Хлорид кислотасини оксидловчилардан, айниқса азот кислотасидан алоҳида сақлаш керак. Ҳар қандай тўйинган хлорид кислотасини фторопластан, 35 фоизли хлорид кислотасини полиэтилендан қилинган идишда сақлаш лозим.

123. Эфирни ишлаб чиқарувчининг ўрамида, салқин ва қоронғи (олов ва иситиш жиҳозларидан узок) жойларда сақлаш керак. Эфир ҳаво билан қўшилганда портлайдиган аралашма ҳосил қилади, бу аралашма силкитилганда, урилганда, ишқаланганда ёки иссиқлик кўтарилганда портлаши мумкин. Ёнғин чиққанда уни қум ва углекислотали ёнғин ўчирувчи мослама билан ўчириш керак.

124. Кальций гидрохлорид ёнмайди, лекин суюқ, ёғсимон органик маҳсулотлар билан қўшилганда уларни ёниб кетишига сабаб бўлиши мумкин, аммоний тузлари ва аммиак билан қўшилганда портлайди, уни шу хусусиятлари сабабли алоҳида сақлаш керак.

125. Азот кислотасини сақлашда ёғоч материаллари, похол ва бошқа органик моддалар билан қўшилмаслик чораларини кўриш керак.

126. Азот кислотаси спирт ва скипидар билан қўшилганда портлайди, ёнғин чиққанда эса қум, кул ва турпоқ билан ўчирилиши керак

127. Тўйинган азот кислоталарини полиэтилен идишларда сақлаш мумкин эмас.

128. Азот (60-70%) кислотасини фторопластдан қилинган идишда сақлаш лозим.

4-§. Водород перексидини сақлашда хавфсизлик талаблари

129. Водород перексиди (бундан кейинги ўринларда пергидроль деб юритилади) ёнмайдиган, лекин кучли оксидловчи суюқлик ҳисобланиб, бошқа материаллар билан қўшилганда ёнғинга олиб келади.

130. Пергидроль ўз-ўзидан сувга ва кислородга ажралиши мумкин бўлиб, ёнадиган материалларни аланга олдириш хусусиятига эга.

131. Пергидроль ёнғин чиқарганда жуда кўп сув оқими билан ўчирилади.

132. Пергидролни ва уни буғини (конденсат) темир, хром, қўрғошин, кумуш, марганец ва унинг тузлари ҳамда қоғоз, картон, пахта ва ёғоч материаллари билан қўшилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

133. Пергидроль ҳаво иссиқлиги 30° С дан ошмайдиган, қуёш нурларидан химоя қилинадиган омборхоналарда сақланиши керак.

134. Пергидролни иссиқлигини 30° С дан оширмайдиган, ҳароратни бир хил қилиб тутиб турадиган (изотермик) мосламаси бор идишларда, қуёш нуридан химоя қиладиган соябони бор очиқ майдончаларда сақлаш лозим.

135. Пергидролни қорамтир шиша ёки полиэтилен идишларда сақлаш керак. Идишни тўлдириш коэффициенти — 0,92 дан ошмаслиги керак. Идишлар буғ чиқадиган тешиги бор қопқоқлар билан ёпилиши керак. Шиша идишдаги пергидроль шкафларда темир яшик ёки ён девори баланд тунука товага солиб сақланади.

136. Пергидроль билан иш олиб бориладиган хоналар ҳавони кучли оқим билан тартадиган алоҳида вентиляция билан таъминланиши керак.

137. Пергидроль буғини иш жойидаги ҳавода тўйинганлигини мумкин бўлган охирги даражаси — 0,3 мг/м³ бўлиши керак.

138. Пергидролни эритмалари тери ва кўзни куйдиради, буғи шиллик пардани яллиғлантиради.

IV-боб. Дори воситаси бўлган газларни сақлашда хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

139. Муассасаларга ёки унинг сақлаш хоналарига қабул қилинаётган газли баллонлар диққат билан текширилиб, қуйидагиларга эътибор берилади:

кислородли баллоннинг ранги ҳаво ранг ва «кислород мед.» ёзуви ҳамда закись азотли баллоннинг ранги кул ранг ва «закись азот» ёзуви бўлишига;

хар бир газли баллонда зарб қилиб қўйилган рақами ва текширилганини тасдиқловчи давлат белгиси борлигига;

химоя қалпоқлари, ёрлиғи, ишлаб чиқарувчи корхонанинг пломбаси борлигига ва уларнинг бутунлигига (баллонда иккита ёрлиқ, улардан бири пломба билан қалпоқнинг устки қисмида, иккинчиси эса қалпоқ ичида бўлиши лозим);

газли баллондаги, ёрлиқдаги ва қўшиб берилган ҳужжатдаги (аналитик паспорт) рақамлар бир-бирига тўғри келишига (аналитик паспортда рақами чиқмаган баллонлар қабул қилиб олинмайди).

хар бир газли баллонда икки донадан қалинлиги 25 мм дан кам бўлмаган резина ҳалқалари борлигига.

140. Газли баллонга уни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўшиб берилган аналитик паспортда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

таъминловчи корхонанинг номи;

маҳсулотнинг номи;

партиянинг рақами;

ишлаб чиқарилган вақти;

шу партиядаги ҳар бир баллоннинг рақами;

маҳсулотнинг қўйилган талабларга тўғри келиши ҳақида хулоса.

141. Сақлаш хоналаридан даволаш-профилактика муассасаларига сиқилган газ берилганда юк хати ёки бошқа ҳужжатларда албатта берилган партиянинг ва газли баллоннинг рақами ёзилиши керак.

142. Ишлатилган газли баллонлар ишлаб чиқарувчи корхонага ёрлиқ-эслатмаси ўрнатилган, резина ҳалқалари кийдирилган, қалпоғи ёпилган ва пломбаланган ҳолда қайтарилади. Газли баллонларга жавобгар шахс тасдиқлаган, жўнатувчини штампи урилган, баллонларнинг сони ва ҳар бирининг рақами ёзилган ҳужжат (сертификат) қўшиб берилади.

2-§. Сиқилган газли баллонларни ишлатишда хавфсизлик талаблари

143. Даволаш-профилактика муассасаларида газли баллонларни фақат ёрлиғи бор, ишлаб чиқарувчининг пломбаси бузилмаган ва баллонларни рақами ёрлиқдаги рақамларга тўғри келган ҳолларда ишлатиш лозим. Ёрлиқ ва пломба газ ишлатилаётган вақтда бўлиши керак.

144. Портлаш рўй бермаслиги учун газли баллон ва унинг жўмрагини ёғ ва мойлар тегиб кетишидан сақлаш керак.

145. Газли баллон жўмраги фақат қўл билан очилади ва қўл билан ёпилади. Газли баллон жўмраги музлаб қолганда фақат иссиқ сув ёки буғ билан иситиб очиш керак. Иситиш учун олов ишлатиш қатъиян ман этилади.

146. Газдан фойдаланиб бўлгандан кейин газли баллоннинг жўмраги ёпиб қўйилади.

147. Газли баллонга маҳкамланган ёрлиқнинг дубликати ҳисобланган ёрлиқ-хотиранома химоя қалпоқнинг тагига ўрнатилади.

148. Ёрлик-хотираномани орқа тарафига газдан фойдаланган даволаш-профилактика муассасаси томонидан қуйидагилар ёзилади:

газли баллон рақами;

газли баллонда қолган газнинг босими;

газдан фойдаланган муассасанинг номи;

газдан тўғри фойдаланилганлиги ҳақида жавобгар шахснинг имзоси ва сана.

149. Газли баллондаги газнинг босими 0,5 кгс/см² дан кам бўлмаслиги керак.

150. Ёрлик-эслатма қўйилган ҳимоя қалпоғи билан баллон ёпилади ва пломбаланади.

3-§. Газли баллонларни сақлашда хавфсизлик талаблари

151. Газли баллонларини нотўғри сақлаш ёки уларни ишлатишни билмаслик ёнғин чиқишининг манбаларидан бири ҳисобланади.

152. Газли баллонлар махсус сақлаш хоналарида ёки ёнгингарчилик ва қуёш нуридан сақлайдиган соябонли, панжарали жойларда сақланади.

153. Газ билан тўла баллонлар партияси (серияси) бўйича копоққлари ёпилган, пломбаланган ва ёрлиғига тўғри келган ҳолда, ётқизилган ҳолда орасига қистирма (прокладка) қўйиб ёки тикка ҳолда махсус тўсиқ ичида сақланади.

154. Ҳар хил газли баллонларни бирга сақлаш ман қилинади.

155. Ишлатилган газли баллонлар тўла газли баллонлардан алоҳида, тўлдирилган ёрлик-хотиранома қўйилган копоққлари ёпилган ва пломбаланган ҳолда сақланади.

156. Сиқилган газли баллонларни ҳамма турдаги транспортларда, белгиланган қоидаларга риоя қилиб ташиш лозим.

157. Газ билан тўла баллонларни транспортга ортишда, туширишда ва ташишда, уларнинг тушиб кетиш, бир-бирига урилиш, бузилиш ва ифлос бўлишдан сақловчи эҳтиёт чораларини кўриш керак.

158. Газли баллонларни бортли автомобилларда ташишда:

ётқизилган ҳолда — баллоннинг айланаси ўлчамида кесиб тайёрланган махсус тахталарнинг устига, жўмрагини кузовни ич тарафига қилиб қўйиш керак;

тикка ҳолда — ҳар бир баллонга икки дондан қалинлиги 25мм дан кам бўлмаган резина ҳалқалар кийдириш ва баллонларни ағдарилиб кетмаслик чораларини кўриш керак;

куннинг қуёш чиқиб турган вақтида газли баллонларнинг устига брезент ташлаш керак.

159. Газли баллонлар ортилган автомобиль бортини ёпиш ва очишни икки юкчи автомобилни ён тарафида туриб бажариши керак.

160. Газли баллонларни бортли автомобилдан тушириш енгил бўлиши учун баллонларни таг тарафи қараган бортни очиш керак.

**IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик
учун жавобгарлик**

161. Мазкур Қоидаларга риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

162. Ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Якуний қоида

163. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

2009 йил 22 апрель

Ички ишлар вазири

А. МАТЛЮБОВ

2009 йил 28 май

*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 22 апрель

*«Дори-дармон» акциядорлик
компанияси раиси*

У. САЛИХБАЕВА

2009 йил 22 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 20 июндан 26 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 23 майдаги 16/1-сонли қарори.*

2009 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-1 (2009 йил 30 июндан кучга киради).

2. «Давлат-тижорат Халқ банкнинг «Uz-to'lov» тўлов тизими орқали чакана тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 майдаги 15/2-сонли қарори.*

2009 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1972 (2009 йил 30 июндан кучга киради).

3. «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 1 июндаги 2009-30-сонли буйруғи.*

2009 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-1 (2009 йил 30 июндан кучга киради).

4. «Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2009 йил 19 майдаги 8, 57, 151, 75, 6/7-сонли қарори.*

2009 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1705-1 (2009 йил 30 июндан кучга киради).

5. «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсиф-

ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 22 майдаги 21-Қ/Қ, 5/7, 15/ҚҚ-15-1-ҚҚ-сонли қарори.*

2009 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1541-1 (2009 йил 4 июлдан кучга киради).

6. «Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатининг 2009 йил 12 июндаги 5/4-сонли қарори.*

2009 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 762-1 (2009 йил 4 июлдан кучга киради).

7. «Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 23/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1973 (2009 йил 5 июлдан кучга киради).

8. «Пахта толаси ва лентни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 1 майдаги 50, 2009-19-сонли қарори.*

2009 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1974 (2009 йил 6 июлдан кучга киради).

9. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» *Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 26 майдаги 56-сонли буйруғи.*

2009 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-4 (2009 йил 6 июлдан кучга киради).

10. «Актуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 7 апрелдаги 42-сонли буйруғи.*

2009 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975 (2009 йил 6 июлдан кучга киради).

11. «Дори-дармонларни сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини*

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 25/Б-сонли буйруғи.

2009 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1976 (2009 йил 6 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси орқали республика корхоналарига сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1583, 2006 йил 15 июнь), (рўйхат рақами 1583-1, 2006 йил 25 декабрь).

Адлия вазирининг 2009 йил 26 июндаги 148-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича қўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*
фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;
базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ
сайтига марҳамат қилинг